

**ТИҚХММИ хузуридаги
ПКҚТ ва УМО тармоқ маркази**

**МАШИНА-ТРАКТОР АГРЕГАТЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОПИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

2021



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ)
МАРКАЗИ**

**“МАШИНА-ТРАКТОР АГРЕГАТЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент 2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишилаб чиқилган.

Тузувчи: **ТИҚХММИ, доцент, С.Алиқулов.**

Такризчилар: **ТИҚХММИ, Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси доценти А.Дўскүлов**

Ўқув - услугий мажмua Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти кенгашининг 2020 йил 24-декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	9
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	12
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	41
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	64
VI. ГЛОССАРИЙ	73
VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	75

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Мамлакатимизда ҳорижий фирмалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган ва чет эллардан келтирилаётган қишлоқ хўжалик техникаларини замонавий борт компьютерлари, бевосита ва масофадан туриб бошқариш тизимлари билан таъминланганлиги ҳамда операторларга замонавий талаблар даражадаги шароитлар яратилганлиги, улардан самарали фойдаланиш ишларини юқори савияда олиб бориш ва бу ишларни амалга ошириш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш талаб этилади.

Аграп соҳа маҳсулотларини етиштириш кластерлар ва фермер хўжаликлари зиммасига юқлатилганлиги ишлаб чиқарувчи кучларни ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришига олиб келди. Республика агросаноатининг барча йўналишларини, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини энг замонавий, мукаммал қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш учун ҳорижий давлатларнинг илғор фирмалари билан ҳамкорликда бундай техникаларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун мухандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3003-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3702-сонли қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор ҳорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётта жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: Қишлоқ хўжалигига машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг аҳамияти, республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва

техникалардан самарадорлиги асослари, техникавий самарадорлигини ишлаб чиқаришдаги аҳамияти, моҳияти ва назарияси, техник самарадорликка таъсир этувчи омиллар, иш жараёнидаги технологик тезликларини, ишлов бериладиган майдон шакли ва ўлчамларини ва машинанинг конструктив параметрларини техник самарадорлигига таъсири, машиналарнинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари, қишлоқ хўжалиги техникаларини эргономик кўрсатгичлари, трактор ва машиналарни бошқаришнинг замонавий тизими ва воситалари, агрегатларнинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари ҳақида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билим, кўникма ва компетенцияларини оширишдан иборат.

Модулининг вазифалари:

- замонавий, интенсив ишлаб чиқариш технологияларини бажарилишида ишлатиладиган машина-трактор агрегатлари иш унумини оширишнинг назарий ва амалий тамойиллари ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини ўрганиш;
- хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароити, даланинг ўлчамлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасининг параметрлари ва кўрсатгичларини ҳисобга олган ҳолда машина-трактор агрегатининг мақбул таркиби ва ўлчамларини танлаш;
- операторга яратиладиган шароитлар, машиналарни замонавий бошқариш тизимлари ва воситалари, масофадан туриб бошқариш ва унинг ривожлантириш истиқболлари каби мухандислик масалаларини еча оладиган чукур амалий кўникмаларни ривожлантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- машина-трактор агрегатлари иш унумини оширишнинг назарий ва амалий тамойиллари, улардан фойдаланиш самарадорлигини назарий асослари, масофадан туриб бошқариш тизимини ривожлантириш;
- фермер хўжалиги ва кластерларнинг тупроқ-иқлим шароити, даланинг ўлчамлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасининг параметрлари ва кўрсатгичларини ҳисобга олган ҳолда машина-трактор агрегатини мақбул таркиби ва ўлчамларни танлаш қоидаларини билиши ва улардан қарор қабул қилишда фойдалана олиши;

- операторга яратиладиган шароитлар, машиналарни масофадан туриб бошқариш ва замонавий бошқариш тизимлари ва воситаларини баҳолаш **билимлариға эга бўлиши**;
- машина-трактор агрегатларини самарали фойдаланиш режасини туза билиш ҳамда улардан фойдаланишда материал, маблағ сарфини камайтириш қоидаларини қўллаш **кўникмаларини эгаллаши**;
- чет элдан келтирилаётган замонавий ва инновацион технологиялар ва техникаридан фойдаланишнинг техникавий самарадорлигини баҳолаш;
- мамлакатимизнинг тупроқ-иклим шароитига мос келадиган технологиялар ва техникаларни танлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларида самарали ишлатишнинг ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш, техникаларнинг мақбул таркибини аниқлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиши;
- “аниқ деҳқончилик” ва қишлоқ хўжалиги техникаларини масофадан туриб бошқариш тизимларини ривожлантиришнинг истиқболларини башпорат қилиш **компетенцияларга эга бўлиши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиши маъруза, амалий ва қўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланиш;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.

Ушбу фан аввалам бор, мутахассисларни қайта тайёрлашда ўқилган фанларни ўзлаштириш даражасига суюнган ҳолда математик ва табиий, умумихтисослик ва ихтисос фанларига, мутахассислик йўналишидаги илмий, амалий ишлаб чиқариш борасидаги чоп этилаётган журнал ва интернет материалларига ҳамда замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялари ва дастурлаш каби маълумот ва билим берадиган манбаларга узвий боғлиқ.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Замонавий техникаларни яратилиш ва уларни сон ва сифат жиҳатдан ошиб бориши ўз навбатида улардан унумли ва самарали фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу заруриятни ечими учун агрегатларнинг ишлаб чиқариш шароитига мос келадиган мақбул параметр ва иш режимларини асослаш, маҳсулот етиштириш ва йиғиб олишда ишлатиладиган трактор, ишчи машина ва ёрдамчи жиҳозларни мақсадли таркибини тўғри танлаш ва тузиш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қоида-усулларини ўрганиш ва режалаштиришни мукаммал бўлишини талаб қиласди.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар техникалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш методикасини ўқитиш ва ўрганиш жараёнларини таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Кўчма машғулот	
			Аудитория ўқув юкламаси		Назарий	Амалий			
			жами	жумладан					
1	2	3	4	5	6	7			
1.	Қишлоқ хўжалигида машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг аҳамияти	2	2	2					
2.	Агрегатларнинг техникавий самарадорлиги асослари	2	2	2					
3.	Агрегатнинг техникавий самарадор-лигига таъсир этувчи омиллар	6	6	2	4				
4.	Агрегатларнинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари	12	8	2	6	4			
	Жами:	22	18	8	10	4			

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

«Ақлий ҳужум» методи.


«Ақлий ҳужум» бирор муаммони ечишда гурух қатнашчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва муроҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Бу метод орқали шахсни техник ривожлантириш мумкин. У тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

«Ақлий ҳужум» методини принципи жуда содда: Бир гурух иштирокчиларни тўпланади ҳамда улар олдига бирор муаммоли вазиятни ечиш бўйича ўз ечимларини (фикр, муроҳаза) билдиришларини сўралади. Мазкур этапда иштирокчилардан хеч бири бошқа қатнашувчиларни ғояси, фикрини муҳокама қилиши ёки баҳолаши мумкин эмас.



«Ақлий ҳужум» методини қўлашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган ғоя ва фикрлар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар, улар ҳатто бўлмагур бўлса ҳам, ҳисобга олинади.
3. Қанча кўп ғоя ва фикрлар билдирилса шунча яхши.
4. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш ва янада кенгайтириш
5. Ғоя ва фикрларни билдириш учун вақт аниқ белгиланади.



«Мунозара»ни ўтказиш методи

1. Етакчи мунозара мавзусини танланади ва қатнашувчилар таклиф этилади.
2. Етакчи қатнашувчиларга муаммо бўйича «Ақлий ҳужум» масаласини беради ва уни ўтказиш тартибини бегилайди.
3. Етакчи « Ақлий ҳужум » вақтида билдирилган ғоя ва фикрларни ёзиб бориш учун котиб тайинлайди. Бу босқичда етакчи гурӯҳ қатнашчиларининг ҳар бир аъзоси ўз фикрини билдиришга шароит яратиб беради.
4. Етакчи иккинчи босқичга ўтишдан аввал қисқа танаффус эълон килади, Иккинчи босқичда «Ақлий ҳужум» қатнашчилари билдирган фикр ва ғояларни гурухлаштирилиб, уларни таҳлил қилишга ўтилади.

Таҳлил орқали қўйилган вазифанинг энг мақбул ечимини топишга ҳаракат қилинади.

“Хулосалаш” (Резюме) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Методни амалга ошириш тартиби:



Тренер-ұқытuvчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



Тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухға умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари тақдим этилади



Ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



Навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммони ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади.

Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

“Холосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Қишлоқ хўжалигида машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг аҳамияти

- Режа:**
1. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.
 2. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва техникалардан самарали фойдаланиш истиқболлари.

Таянч иборалар: озиқ – овқат хавфсизлиги, маҳсулот етиштиришнинг интенсив, экспрессив ва саноат усуллари, механизациялаш даражаси, техникалар самарадорлигини ошириш истиқболлари.

1.1. Республика қишлоқ хўжалигидаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

Бугунги кунда дунё бўйича 886,9 млн. гектар майдонларда тупроққа ишлов берилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Унинг 43,8 фоиз қисмида янги ресурстежамкор, минимал ва нол технологиялари ҳамда уларни амалга оширадиган техника воситалари жорий этилган. Ушбу замонавий технологиилар 118 млн. гектар майдонларда тупроқнинг унумдорлигини сақлаш билан бир вақтда етиштирилаётган маҳсулот таннархини ўртacha 25 фоизга камайтириш имконини беради¹.

Шунга қарамасдан ҳозирги кунда **21-асрнинг энг катта муаммоси-бутун жаҳонда озиқ – овқат инқизори муаммоси вужудга келди** ва у ҳалигача давом этмоқда.

Муаммонинг асосий сабаблари:

1) Жаҳонда 1970 йили 3,5 млрд. аҳоли яшаган бўлса, ҳозирда бу кўрсатгич 7,5 млрд.дан ошиб кетди. Бу кўрсатгич 2050 йилга бориб 10 млрд. га етиши кутилмоқда.

2) 1960 йилда табиий унумдор ерлар 100% ни ва озиқ-овқатга бўлган талаб 80% ни ташкил этган бўлса, 2060 йилга бориб тупроқ унумдорлиги пасайиб, унумдор тупроқлар 25% ни ташкил этиши, озиқ-овқатга талаб эса 160% бўлиши кутилмоқда (журнал).

¹[Htths // www.Zerno-ua.com/journals](http://www.Zerno-ua.com/journals), 2010; 21-бет

Ўзбекистанда 1970 йилларда 16 млн аҳоли бўлган бўлса, ҳозир 32 млн.дан ошди, 2050 йилга 50 млн. бўлиши кутилмоқда.

3) Ерни ҳар йили қайта – қайта ҳайдалиши, тупроқни зичланиши, бактерияларни кўплаб нобуд бўлиши, тупроқ зрозияси (ҳар йили ер шари бўйича мавжуд унумдор тупроқларнинг 1% шамол ва сув эрозиясига учрамоқда), тупроқни қўшимча органик ва минерал ўғитлар билан бўйитилмаганлиги, қисқаси “ерни териси шилиниб олинаётганлиги” хисобланади. Бу ҳолат барча экинлар бўйича ҳосилдорликни пасайиб боришига олиб келмоқда (1.1-расм)².



1.1-расм. Озиқ – овқатга бўлган талаб ва тупрок ҳосилдорлигининг ўзгариши

Мамлакатимизда озиқ-овқат инқирозининг тъсирини камайтириш учун қўйидаги ишлар қилинмоқда:

- фуқораларга 600 минг гектардан ортиқ томорқалар берилди, 1200 минг гектар пахта майдонини ғаллага алмаштирилди;
- пахта майдонини йилдан-йилга камайтириш ва мева-сабзавотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирилишига эътибор қаратилди;
- чет элга кўплаб маҳсулотларни экспорт қилиш йўлга қўйилди;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўлиқ интенсив усулга ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.
- замонавий иссиқхоналар ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилди. (Президентмизни ҳар бир вилоят, шаҳар ва қишлоқка боришида ҳар бир хонадонда иссиқхона ташкил этиш ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш

²ЕРЭНЕРГИЯБИОХИЛМАХИЛЛИК Ахборот бюллетени, №6, 01.12.2015 3-бет/ WWW.SGP.UZ

бўйича маслаҳатлари. Япония, Жанубий Корея да экинлар ҳосилдорлигини 30-40 баробарга оширилиши ва х.).

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари:

1. Далаларни бегона ўт босганлиги, минерал ва органик ўғитларни 50% дан кўпроғи бегона ўтлар томонидан ўзлаштирилиши (далаларни бегона ўтлардан тозалаш);

2. Тупроқнинг зичланишини ортиб кетганлиги (нол технологияни қўллаш - ерга ишлов беришни камайтириш). ;

3. Сув танқислиги (замонавий суғориш усуллари: томчилатиб суғориш ва б.) ва х.

4. **Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш даражасини пастлиги (ишлаб чиқариш жараёнида машина – трактор агрегатларидан техникавий фойдаланиш даражасини ошириш)**

Қишлоқ хўжалиги жараёнларида механизациялашнинг жорий этилиши дехқончилик тизимининг ҳар томонлама ривожланишига асос бўлади. Фермерлар учун энг катта муаммолар экинларни мавсумий экиш, ҳосилни ўриб-йигиб олиш ва уларга дастлабки ишлов бериш ҳамда сақлаш жараёнларини ўз вақтида бажарилмаган ҳолларида юз беради.

Айниқса, шуни эсда тутиш керакки, “Агар қишлоқ хўжалигига қайсиdir жараённи бажаришга кечикиш, бу барча жараённи бажаришга кечикиш демакдир” (Като, Милоддан аввалги 2-аср)³.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда бажариладиган ишларни механизациялаш даражаси анча паст бўлиб, бу кўрсатгич пахтачиликда 70-75%, ғаллачиликда 85-90%, ем-хашак тайёрлашда 80-85%, сабзавот-полизчиликда 70-75%, боғ ва узумчиликда эса 50-55% ни ташкил этмоқда.

1.2. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва техникалардан самарали фойдаланиш истиқболлари.

Республикамиз мустақилликка эришган биринчи кундан бошлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини энг замонавий, мукаммал қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш учун хорижий давлатларнинг илфор фирмалари билан ҳамкорлиқда қишлоқ хўжалиги техникаларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга давлатимиз томонидан фермер хўжаликларига техникалардан фойдаланишнинг янги йўналишларини яратиб берилганлиги,

³S.C.Panda. “Post Harvest Technology and Farm Mechanization”. India, 2013. 158-бет

яъни, ўзининг шахсий техникасидан ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг техникаларидан шартнома асосида ёки ижарага олиб фойдаланиш имкониялари борлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Техникалардан фойдаланишда аввало уларнинг фойдаланиш кўрсатгичларини яхшилаш ҳисобига иш унумини оширишнинг энг замонавий усуллардан фойдаланиш ҳамда бажариладиган ишларнинг ташкил этишнинг янги тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши талаб этилади.

Мамлакатимизда агросаноатдаги техник тизимлар: қишлоқ хўжалиги техникаларини яратиш, ишлаб чиқиш, етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш тизимларининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунинг учун Президентимизнинг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарорига кўра мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва техникалардан самарали фойдаланиш истиқболлари белгилаб берилган бўлиб, бу йўналишлар қўйидагилардан иборат:

- машина-трактор паркларини сифатли қишлоқ хўжалиги машиналари билан қайта жиҳозлаш;
- қуввати, иш унуми, ёқилғи сарфи ва бошқа кўрсатгичлари замонавий стандартларга мос келадиган янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизациялаш ва техниковий қайта жиҳозлаш;
- қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш тизимини такомиллаштириш;
- сервис хизмати тизимининг сифатини ошириш ва кенгайтириш;
- фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига етук мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимо ошириб боришдан иборат.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун мухандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг асосий вазифаси **фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига етук мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимо ошириб**

боришдан иборат.

Кўйилган вазифаларни белгиланган муддатларда амалга оширилиши келажакда мамлакатимиз аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Назорат саволлари:

1. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш қандай дехқончилик шароитида амалга оширилади?
2. Маҳсулот етиштиришнинг интенсив, экспансив ва индустрисал (саноат) усуларининг моҳиятини тушунтиринг.
3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштиришнинг асосий мақсади нимадан иборат?
4. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда бажариладиган ишларни механизациялаш даражаси деганда нимани тушинасиз?
5. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва техникалардан самарали фойдаланиш истиқболларини айтинг.
6. Ҳозирги кунда мамлакатимизда пахта ва ғалла экинларини етиштиришда бажариладиган ишларни механизациялаш даражаси қанчани ташкил этади?
7. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий муаммолар нималардан иборат ва уларни бартараф этиш йўлларини айтинг.
8. Мамлакатимизда озиқ-овқат инқирозини камайтириш учун нима ишлар қилинган ва ҳозирда қандай ишлар олиб борилимоқда?
9. Етиштириледиган маҳсулотлар ҳосилдорлигини оширишда техник тизимларнинг аҳамиятини айтинг.
10. Етиштириледиган маҳсулотларни ҳосилдорлигини оширишда техникаларни замонавий-инновацион бошқариш тизимларини моҳиятини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Игамбердиев А., Аликулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўқув қўлланма)
2. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарори. Т.,2012.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун мухандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори. Т., 2017.

Кўшимча адабиётлар:

1. Htths // www. Zerno-ua com/journals, 2010; 21-бет
2. ЕРЭНЕРГИЯБИОХИЛМАХИЛЛИК Ахборот бюллетени, №6, 01.12.2015. WWW.SGP.UZ. 30-бет.
3. Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.

2- мавзу: Агрегатларнинг техник самарадорлиги асослари

- Режа:**
1. Агрегатларнинг техникавий самарадорлигини ишлаб чиқаришдаги аҳамияти;
 2. Агрегатнинг техник самарадорлигининг моҳияти ва назарияси.

Таянч иборалар: фойдаланиши самарадорлиги, даланинг шакли ва ўлчамлари, агрегатнинг иши ва салт юриши тезликлари, параметрларини нисбий коэффициентлари, самарадорликка таъсир этувчи омиллар.

2.1.Агрегатлардан фойдаланиш самарадорлигини ишлаб чиқаришдаги аҳамияти

Ҳозирги пайтда фермер хўжаликаларида машиналар ишлаб чиқаришнинг бирдан - бир қуроли бўлиб, фойда келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ундан самарали фойдаланишини таққоза этади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий техникалардан тузилган қишлоқ хўжалиги агрегатларидан фойдаланиш, энг аввало уларнинг фойдаланиш кўрсатгичларини яхшилаш ҳисобига иш унумини оширишнинг замонавий усуллардан фойдаланиш ҳамда бажариладиган ишларни ташкил этишнинг янги тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинишини таққоза этади.

Машинанинг иш унуми қишлоқ хўжалигига техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар қаторига киради.

Машиналарни самарали ишлатиш, машиналар тизимидағи индивидуал ишларни шундан бир-бирига ростланган ва жамланган бўлишини талаб этиладики, бунда уларнинг иш унуми қишлоқ хўжалиги фаолиятини учун энг юқори фойда келтириши керак.

Қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда машинанинг иш унуми ўлчовларига унинг тезлиги ва ишнинг сифати киради.

Тезлик муҳим ўлчов ҳисобланади, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш мавсумга ва оби-ҳавонинг салбий таъсирига боғлиқ бўлган ва ўз муддатида бажариш талаб этиладиган ишлар мажмуасидан иборат.

Агрегат тезлигининг қийматлари қуйидаги омиллар таъсирида назарий тезликдан фарқланади:

- трактор ҳаракатлантиргичлари (ғилдирак, занжир)нинг шатаксираши;

- машинага тушаётган юкланиш қийматларини ўзгариши (тупроқнинг турли қаршиликлари, экинлар ҳосилдорлигининг майдон бўйлаб тебраниши ва б.) туфайли ғилдираклар (юлдузчалар)нинг айланиш частоталарини камайиши;

- ғилдирак динамик радиусининг ўзгариши (шиналарнинг деформацияланиши, тупроқнинг турлича кўтариш қобилияти туфайли).

Ишни тўлиқ бажариш сифатнинг бир қисми бўлиб, у машинанинг маҳсулотни исроф қиласдан харакатланиб ишлаш қобилияти ҳисобланади. Чунки қўпчилик қишлоқ хўжалиги материаллари мўрт, кўплари тез бузиладиган ҳисобланади.

Машинанинг фойдаланиш ҳисобига маҳсулотларни исроф бўлишини кўпайиши ёки сифатини пасайиши машинанинг иш унумини яна бир муҳим томони ҳисобланади.

Машинанинг операторлари ишларни тўлиқ ва қисқа муддатларда бажарилиши кераклиги тўғрисида яхши билсаларда, улар қишлоқ хўжалик экинларини ва тупроқни заарлантирганликлари учун иқтисодий жарималар солинишини кўп ҳолларда эътиборсизликка йўл қўядилар.

Машинанинг фойдаланиш кўрсатгичларини баҳолашда сифат ва миқдорларни алоҳида ҳисобга олиш керак.

Машинанинг иш тезлигини баҳолаш вақт бирлигida сон кўринишида берилади. Кўп ҳолларда машинанинг бир соатда бажарган иши даланинг қишлоқ хўжалиги экинлариэкилган майдон юзаси бўйича(га/соат, $m^2/\text{соат}$), ўрим-йигим машиналарини иш унуми айрим ҳолларда (ц/соат, тонна/соат), зичлагич-йигичларда (тойлар сони/ соат), юк ташишда (тонна км/соат, $m^3/\text{соат}$, л/соат), ариқ ковлагич-текислагичларда (бирлик метр/соат) ва бошқа кўринишида тақдим этилади.

Бажарилган иш фақат вақт майдонида кўрсатилса, коидага биноан, машинанинг ҳақиқий кўрсатгичи бўлсада, айрим ҳолларда, айниқса, йигим-терим машиналари учун етарли кўрсатгич ҳисобланмайди.

Чунки турли хил ҳосилдорлик ва фойдаланиш шароитларида бир машина бир соат қувватда кичик майдонга ишлов бериши мумкин, лекин бир соат қувватда, худди шундай бошқа даладаги машинага нисбатан катта массага эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳақиқий солиштирма сифим масса/соат бўлади.

Масалан, картошка ёки ғалла йиғишириш комбайнлари ва шунга ўхшаган машиналар талаб этиладиган маҳсулотларни кераксиз чиқиндилардан тозалаганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳсус **солиштирма иш унуми** тушунчасини киритиш керак бўлади.

Шу билан бирга тайёрланган маҳсулотларни оғирлиги бўйича

хисоботларда ҳамма материал маҳсус сифимларда ишлов берилади. Шунинг учун ўтказувчанлик қобиляти тушунчаси киритилади.

Мисол: комбайнни ўтказувчанлик қобиляти бир кг/соат деганда умумий тайёрланган массага дон, сомон, чори, бегона ўтларни киритиш керак.

Ўтказувчанлик қобиляти солишириш учун ҳамма вақт ҳам доимий база ҳисобланмайди, чунки экинлар намлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ўтказувчанлик қобилятининг иш унумини баҳолаш ҳисботида материални намлиги билан бирга кўрсатилиши керак.

Машина иш унумининг ҳисобига майдон ёки масса ва вақтнинг ўлчамлари киритилади. Агар бирлик ўлчамга эътибор қаратилса, ҳисобкитоблар нисбатан оддий бўлади. Бунда иш унумини бирлиги қисқача гектар (га) дан иборат.

Мисол тариқасида дон ўриш комбайннинг қамраш кенглиги 5 м, тезлиги 1,5 м/с эканлиги аниқланган. Дон бункерига бир минут вақт ичида 50 кг дон йигилган ва 60 кгчиқиндилар (сомон, чори ва б.) машинанинг орқа томонидан тўкиб кетилган.

Агрегатнинг иш унумлари:

1. Майдон салоҳияти

$$2,7 \frac{\text{га}}{\text{соат}} = \frac{1,5 \text{ м}}{\text{сек}} \times 5 \text{ м} \times \frac{1 \text{ га}}{10000 \text{ м}^2} \times \frac{3600 \text{ сек}}{1 \text{ га}}$$

2. Материаллар сифими

$$3000 \frac{\text{кг}}{\text{соат}} = \frac{50 \text{ кг}}{\text{мин}} \times \frac{60 \text{ мин}}{\text{соат}}$$

3. Ўтказувчанлик қобиляти

$$6,6 \frac{\text{м}}{\text{соат}} = \frac{110 \text{ кг}}{\text{мин}} \times \frac{\text{м}}{1000 \text{ кг}} \times \frac{60 \text{ мин}}{\text{соат}}$$

2.2. Агрегатнинг техник самарадорлигининг моҳияти ва назарияси.

Агрегатлардан фойдаланишнинг техникавий самарадорлиги, биринчи навбатда ер майдонининг ўлчамлари (бўйи, эни ва нишоблиги) ҳамда шаклига боғлиқ бўлиб, суръма дехқончилик шароити учун унинг мақбул юзаси 20-40 гектарни, шакли тўғри тўртбурчак ва ўртача нисбий нишоблиги 0,03-0,05 ни ташкил этади.

Хар бир қишлоқ хўжалик агрегатини бевосита далада ишлатиш жараёнидаги техник самарадорлиги унинг самарали (иш) вақтини, яъни дала бўйлаб иш юришлари учун кетган вақтини умумий (иш ва салт юришлари учун) кетган вақтга нисбатини фоизларда аниқланган қиймати билан белгиланади⁴.

Маълумки, агрегат далага ишлов бермаганда (салт юрганда) у вақтини бекорга сарфлаган ҳисобланади. Унинг далада ишлаётган пайтдаги салт юришларини иложи борича қисқартириш қимматбаҳо иш вақтини ошириш ва энергия сарфини камайтириш имконини беради.

Агрегатнинг техникавий самарадорлиги қуидаги аниқланади:

$$TC = \frac{T_i}{T_i + T_c} \cdot 100\% \quad (1)$$

бу ерда: T_i – иш юришлар учун кетган вақт, соат;

T_c - салт юришлар учун кетган вақт, соат.

Агрегатнинг иш ва салт юришлар учун кетган вақтлар, мос ҳолда уларнинг юришлари йиғиндисини ($\sum L_i$ ва $\sum L_c$) тезликларига (V_i ва V_c) нисбати билан, яъни $T_i = \frac{\sum L_i}{V_i}$ ва $T_c = \frac{\sum L_c}{V_c}$ топилади.

2.1-расмдан кўриниб турибдики, агрегат томонидан ишлов бериладиган дала майдони уч қисмга ажратилган ҳолда, яъни $L_d B_d = L_i B_d + 2EB_d$ дан иборат майдонларга бўлиб ишлов берилади.

Бу майдонларга ишлов беришда агрегатнинг иш юришлар йиғиндиси:

$$\sum L_i = L_i N_i + 2B_d N_e = (L_d - 2E) \frac{B_d}{B_m} + 2B_d \frac{E}{B_m} \quad (2)$$

ва салт юришлар йиғиндиси


$$\sum L_c = L_c N_c + 2L_c N_e = L_c \left(\frac{B_d}{B_m} - 1 \right) + 2L_c \left(\frac{E}{B_m} - 1 \right) \quad (3)$$

ташкил этади.

Бу кўрсатгичлар майдон узунлиги L_d ва кенглиги B_d , бурилиш йўлагини кенглиги E , машинанинг конструктив Вк ва қамраш

⁴Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 6

В_Мкенгликлари, иш юриш L_i ва бурилишдаги салт юриш L_c узунликлари, иш N_i ва салт N_c юришларсони ҳамда бурилиш йўлагидаги иш ва салт юриш сони N_e га боғлиқ бўлади.



2.1-расм. Агрегат билан ишлов бериладиган майдоннинг ўлчамлари (а) ва унинг дала охирида бурилиш схемаси (б)

Юқорида келтирилган кўрсатгичларни (1) формулага қўйиб ва бир қатор соддалаштиришдан сўнг куйидаги кўринишга эга бўламиз.

$$TC = \frac{1}{1 + \frac{V_i B_d}{V_c L_d} \left(\frac{L_c (B_d + 2E - 3B_m)}{B_d^2} \right)}^{100\%} \quad (4)$$

Агар $\frac{V_i}{V_c} = A$, $\frac{B_d}{L_d} = B$, $\left(\frac{L_c (B_d + 2E - 3B_m)}{B_d^2} \right) = C$ деб белгиласак, у ҳолда формула (4) никуйидагича ёзиш мумкин:

$$TC = \frac{1}{1 + ABC}^{100\%} \quad (5)$$

Бу ерда А - агрегатнинг иш режимини (иш ва салт юришлар тезлигини), В - даланинг ўлчамларини (бўйи ва энини) ҳамда С-агрегатнинг параметрларини ҳисобга олувчи коэффициентлар ҳисобланади.

Ушбу коэффициентларни агрегатнинг техник самарадорлигига таъсирини тахлили бўйича қуйидаги холосаларни қилиш мумкин:

1. Коэффициент А операторнинг маҳоратига боғлиқ бўлиб, агрегатнинг салт юриш тезлиги иш юриш тезлигига тенглаштирилганда ($V_c = V_i$) унинг техник самарадорлиги энг юқори бўлади;
2. Даланинг узунлигини ошиб бориши билан ($B \leq 1$) фойдаланиш самарадорлиги ҳам ортиб боради;
3. Кичик майдонларга нисбатан катта майдонларда агрегатнинг техник самарадорлиги юқори бўлади.
4. Агрегатнинг салт юриш узунлиги унинг кинематик узунлиги ва бурилиш радиусига боғлиқ бўлиб, комбинациялаштирилган ва тиркама машиналар билан ишлатилганда унинг техник самарадорлиги камаяди.
5. Агрегатнинг техник самарадорлигини оширишда осма ва манёврчанлиги юқори бўлган машиналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Машинанинг иш унуми ўлчовларига қандай турларга бўлинади?
2. Машинанинг ўтказувчанлик қобилияти деганда нимани тушунасиз?
3. Қандай машиналарда ўтказувчанлик қобилияти аниқланади?
4. Машинанинг техникавий самарадорлиги деб нимага айтилади?
Унинг моҳиятини тушунтиринг.
5. Машинанинг техникавий самарадорлигини асосий тузувчиларини айтинг.
6. Операторнинг маҳоратига боғлиқ кўрсатгични айтинг ва унинг энг юқори миқдорига қачон эришилади?
7. Қандай ўлчамдаги далаларда машинанинг техникавий самарадорлиги юқори бўлади?
8. Техникавий самарадорликни оширишда қандай турдаги агрегатлардан фойдаланиш юқори самара беради?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаридан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўкув қўлланма)
2. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.
3. Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.

Қўшимча адабиётлар:

- 4 . Htths // www. Zerno-ua com/journals, 2010; 21-бет
5. ЕРЭНЕРГИЯБИОХИЛМАХИЛЛИК Ахборот бюллетени, №6, 01.12.2015. WWW.SGP.UZ. 30-бет.

3 –мавзу. Агрегатнинг техник самарадорлигига таъсири этувчи омиллар

- Режа:**
1. Машинанинг иш жараёнидаги технологик тезликларини техник самарадорлигига таъсири
 2. Ишлов бериладиган майдон шакли ва ўлчамларини агрегатнинг техник самарадорлигига таъсири
 3. Машинанинг конструктив параметрларини техник самарадорлигига таъсири

Таянч иборалар: фойдаланиши самарадорлиги, даланинг шакли ва ўлчамлари, агрегатнинг иш ва салт юриши тезликлари, параметрларини нисбий коэффициентлари, самарадорликка

3.1. Машинанинг иш жараёнидаги технологик тезликларини техник самарадорлигига таъсири

Суғориладиган дехқончилик шароитида машина далада харакатланганда тўғри чизиқли иш юришлар ва дала охирида эгри чизиқли салт юришлар қиласди. Шунга мувоғиқ машина харакатининг асосий элементларига, яъни, иш юриш ва салт юришлар киради (3.1-расм).



3.1. Расм. Машинанинг харакат элементлари ва бурилиш кўринишлари

Машинанинг мақбул ва чекка иш юриш (харакат) тезликларининг қийматлари асосан агротехник талаблардан, хавфсизлик талабларидан ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Ҳаракат тезликлари трактор юклamasи мақбул бўлгани ҳолда двигателнинг қувватидан ва машинанинг ўтказиш имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Мақбул ҳаракат тезликлари минимал (энг кам) энергетик сарфлар, ёнилғининг энг кам сарфи, энг кам нарх-наво бўйича ҳам аниқланиши

мумкин. Мазкур ишни бажаришда тракторнинг мақбул ҳаракат тезлиги машинанинг турли қамраш кенгликлари учун ҳам алоҳида аниқланади. Маълумки, ҳар қандай машина муайян технологик операцияни бажаришда шу операцияга мос ишчи тезлик билан ҳаракатланади.

Агротехник ва бошқа талаблар бўйича энг катта мақбул ҳаракат тезлиги микдорлари 3.1-жадвалда келтирилган.

3.1.жадвал

Қишлоқ хўжалиги ишларини бажарганда машинанинг рухсат этилган энг катта ҳаракат тезликлари

т/р	Иш тури	Ҳаракат тезлиги, км/соат
1.	Оддий корпусли плуглар билан ер хайдаш	7-8
2.	Тезкор корпусли плуглар билан ер хайдаш	8-12
3.	Тиркама сеялка билан донли экинларни экиш	8-9
4.	Осма сеялка билан дон уруғларини экиш	9
5.	Чигит сеялкаси	6-8
6.	“Зиг-Заг” тирмалар билаш тирмалаш	5-8
7.	Қатор ораларига ишлов бериш:	
	биринчи ишлов бериш	4-6
	навбатдаги ишловларни бериш	8-9
8.	Пахта териш	4-5
9.	Ғалла экинлари ҳосилини йиғиши	6-7

Амалда ҳақиқий ҳаракат тезлиги машинанинг муайян иш шароитлари билан чекланади. Масалан, вертикал шпинделли пахта териш машиналари билан I-тезликда 3,82 км/соат назарий тезлик билан ишлаганда ҳақиқий иш тезлиги 3-3,5 км/соат чегарада бўлган.

Буни шундай тушунтириш мумкинки, ҳар бир дала ўзига хос тавсифларга эга (суғориш эгатлари, экинлар, тупроқнинг қаттиқ-юмшоқлиги, ғўзаларнинг бўйи ва эни ва бошқалар, машиналарнинг техник ҳолати эса терим даврида бир хил бўлмайди) эканлигини унутмаслик керак.

Ғалла ҳосилини йиғиши комбайнлари ишлаганда мақбул ҳаракат тезлиги даладаги ғалла экинларининг ҳолати, ҳосилдорлиги, пояларнинг бўйи, қирқиши баландлиги, ғалланинг сомондорлик даражаси, комбайннинг қамраш кенглиги, иш унуми ва ўтказиш имконига қараб белгиланади.

Дала шароитида ҳар бир ишни бажариш пайтида ҳар сафар машина дала охирида бурилиб, салт юришлар бажаради. Бундаги салт юришлар

далада технологик ишни бажариш билан боғлиқ бўлиб, улар пайкалнинг шакли ва ўлчамларини аниқ белгиланиши ҳамда қабул қилинган харакатланиш усули ва оператор (механизатор) нинг машинани бошқариш қобилятига боғлиқдир.

Шунинг учун дала ва машинанинг ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда унинг даладаги харакатланиш усулини тўғри танлаш, унинг техник, иқтисодий ва сифат кўрсатгичларини юқори бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Машина салт бурилиш пайтида энг кичик радиус билан бурилиши керак, чунки бунда унинг салт юриш йўли кичик бўлади. Шу билан бирга машина бурилаётганда барча ғилдираклари ёнга сурilmасдан айланиши лозим, акс ҳолда деформация рўй бериши ва синиши мумкин, бу эса бурилиш радиусининг йўл қўйилмайдиган даражада кичиклигидан далолат беради.

Ўрнатма ва осма машиналарни бурилиш радиуси тракторнинг энг кичик бурилиш радиусига teng қилиб олиниши мумкин. Бунда 2Х3 схемали ва махсус қурилма билан жиҳозланган 4Х4 схемали ғилдиракли тракторларга осилган машиналарнинг бурилиш радиуси энг кичик қийматга эга бўлади (3.2.-расм).



3.2-расм. Энг кичик бурилиш радиусига эга бўлган 2Х3 схемали (а) ва махсус ғилдиракли қурилма ўрнатилган 4Х4 схемали (б) тракторлар

Бурилиш усулларини танлашда (3.2-жадвал) агрегатнинг техник-иқтисодий кўрсатгичлари юқори бўлиши асосий мезон ҳисобланади.

Шундай қилиб, пахтачиликда механизациялаштирилган ишларни бажаришда фақат сиртмоқсиз бурилишлар - доиравий ва тўғри чизиқли қисми бор бурилишлардан иборат харакат усулларидан фойдаланган маъқул.

3.2-жадвал

Асосий қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда қўлланиладиган машиналарнинг бурилиш усуллари ва шакллари

т/р	Ишлар тури	Бурилиш усули	Бурилиш шакли
1	Оддий (осма, тиркама) плуглар билан ер ҳайдаш	Сиртмоқсиз тўғри чизиқли бурилиш	
2	Айланмаплуглар билан ер ҳайдаш, 8 қаторли сеялка билан чигит экиш	Сиртмоқли орқагаюриш билан бурилиш	
3	Тирмалаш, дисклаш, молалаш, текислаш,	Сиртмоқли биртомонламабурилиш	
4	Ғаллаўриш, тиркамали машинада пахта териш, ўтвапичанўриш	Сиртмоқсиз тўғричизиқли бурилиш	
5	Ғўзани дефолиация қилиш вакимёвийишловбериш, ариқолиши ватекислаш	Сиртмоқсиз тўғричизиқли бурилиш	
6	Бошқа барча ишлар	Сиртмоқсиз доира бўйлаб бурилиш	

Бу бурилишларни амалда бажариш осон ва қулай. Шу билан бирга салт бурилишлар тезлигини ошириш ҳисобига салт харакатнинг бажариш вақтини

камайтириш имконига эга бўлинади.

Машинани ҳар бир километр ошиқча салт юриши унинг иш унумини камайишига ва ёқилғи сарфини ошишига олиб келади. Демак машинанинг салт юришида иш бажарилмаслигини ҳисобга олиб, унинг харакат шакли ва дала ўлчамларини шундай танлаш керакки, бунда салт юриш йўлининг узунлиги энг кам бўлсин.

3.2 . Ишлов бериладиган майдон шакли ва ўлчамларини агрегатнинг техник самарадорлигига таъсири

Суғориладиган ва лалмикор дехқончилик қилинадиган майдонларга агрегатлар билан ишлов беришда дала ўлчамларини аҳамияти турлича бўлиб, бу кўрсатгичлар далада ишлаётган агрегатнинг иш унуми ва фойдаланиш самарадорлигини ўзгаришига катта таъсир кўрсатади.

Суғориладиган дехқончилик шароитида даланинг барча ўлчамлари агрегатнинг фойдаланиш самарадорлигига катта таъсир кўрсатади.

Лалмикор дехқончилик шароитида эса дала шаклини турлича бўлиши, майдон юзасини катта ёки кичиклиги, узун ёки қисқалиги, паст ёки баландлигини агрегатдан фойдаланиш самарадорлигига таъсири унчалик муҳим эмас. Бу шароитда даланинг қиялик даражаси ҳамда операторнинг малакаси агрегатнинг иш унуми ва фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар ҳисобланади.


Бу кўрсатгичларнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида экин майдонларининг кўрсатгичларини экиладиган экинлар тури, суғориш усуллари, тупроқ-иқлим шароити ва рельефини ҳисобга олган ҳолда олдиндан мақбуллаштириши ва сифатли қилиб тайёрланишига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги агрегати далада харакатланниб ишлайди. Агрегат далада харакатланганда тўғри чизиқли иш юришлар ва эгри чизиқли салт юришлар қиласиди.

Даланинг узунлигини энига нисбатига қараб агрегат томонидан босиб ўтилган умумий йўлнинг ўртача 8-12 фоизи, қисқа бўлган далаларда эса 40 фоизгача қисми салт юришларни ташкил этиши мумкин.

Даланинг асосий ўлчамларига қуйидагилар (3.3-расм): унинг узунлиги (Lд), эни (Bд), қиялиги (i), бурилиш йўлагининг эни (E), пайкалнинг эни (C) ва иш юриш узунлиги (Li) киради.

Табиий шароитда бир хил майдон юзасига эга бўлган далаларнинг ўлчамлари, яъни унинг узунлиги ва эни турлича бўлиши мумкин.



3.3 - расм. Даланинг кинематик ўлчамлари:
Lд-даланинг бўйи; Lи-иш юриш узунлиги; Bд-даланинг эни;
C - пайкалнинг эни; E - бурилиш йўлагининг эни

Даланинг узунлиги машиналардан самарали фойдаланишда энг муҳим кўрсатгич ҳисобланади. Чунки кўпчилик қишлоқ хўжалиги ишлари бажарилиши даланинг нишоблиги йўналиши бўйича амалга оширилиши талаб этилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда машинанинг харакатланиши айнан даланинг узунлиги бўйича амалга оширилади.

Даланинг мақбул узунлиги машинанинг иш йўллари коэффициенти орқали аниқланади. Бунда иш йўллари коэффициенти юқори бўлишига интилиш керак.

Машиналарни иш йўллари коэффициенти уларнинг харакат усусларини баҳолашнинг муҳим кўрсатгичи ҳисобланади.

Бу коэффициент ушбу формула ёрдамида топилади:

$$\Phi = \frac{\sum L_i}{\sum L_i + \sum L_c}$$

Бу ерда: $\sum L_i$ - иш йўлларнинг умумий узунлиги, м; $\sum L_c$ - салт юришлар йўлининг умумий узунлиги, м.


Қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда кўп қўлланиладиган машинанинг харакатланиш усусларига қараб иш йўллари коэффициентлари машинанинг пайкалдаги харакатини бир циклига тақрибан қуидагича аниқланади.

Олиб борилган илмий ва амалий ишлар натижаси шуни кўрсатдики, иш йўллари коэффициентига унинг иш йўллари узунлиги L_i катта таъсир кўрсатиши ва даланинг узунлиги 400 м гача бўлган майдонларда иш йўллари коэффициенти кескин камайиши аниқланган.

Чунки иш юриш узунлиги L_i қанча катта бўлса, коэффициент ϕ шунча катта бўлади ва $L_i > 1000$ м бўлганда, у ўзининг энг катта қийматига - бирга яқинлашади. Шунинг учун далаларни йириклиштириш маъқул бўлади.

Суғориладиган дехқончилик шароити учун янгидан очиладиган ер майдонларининг узунлигини 400-600 м бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки даланинг узунлиги қанчалик узун бўлса, экинларни қаторлаб очик усулда суғориш ишларининг сифати шунчалик пасайиб боради.

Ер майдонинг энг мақбул шакли квадрат кўринишида бўлиши ҳисобланади (3.4-расм). Бу шаклнинг ўзига хос хусусияти, биринчидан, далада харакатланаётган агрегатнинг иш ва салт юришлар сони бир-бирига тенг бўлади. Иккинчидан, бу кўринишда машина бажариладиган иш жараёнини шароитдан келиб чиқсан ҳолда даланинг бўйи ёки эни бўйича харакатланиб бир хил самарадорлик билан бажариш имконини беради.



**4.2. расм. Машинанинг
далада харакатланиш
схемаси ва қўрсатгичлари**

Шу билан бирга ҳозирда мавжуд бўлган суғориладиган ер майдонларининг шакли ва юзаси фермер хўжалиги жойлашган минтақанинг табиий рельефи ва етиштириладиган экинларни суғориш усулларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган бўлиб, уларни ўзгартиришнинг имкони йўқ.

Шунинг учун турли тўғри тўртбурчак шаклидаги ер майдонларининг ўлчамларини аниқлаш қуйидаги тенгсизлик билан ифодалаш мумкин.

$$1 \leq \frac{L_d}{B_d} \leq 1$$

Ушбу тенгсизликни физик маъноси шундан иборатки, ер майдонининг

бўйини энига нисбати бир бирликдан қанчалик катта ($1 \leq \frac{L_d}{B_d}$) бўлса, у ҳолда кенг қамровли машиналар билан даланинг бўйи йўналишида ёки бу нисбат кичик ($\frac{L_d}{B_d} \leq 1$) бўлса, даланинг эни йўналишида харакатланиб иш бажарганда машинанинг техник самарадорлиги юқори бўлади.

Агар, агротехник талаблар бўйича далага унинг эни бўйича харакатланиб ишлов бериш мумкин бўлмаса, у ҳолда даланинг бўйи йўналишида нисбатан кичик қамровли машина билан ишлов берилганда унинг техник самарадорлиги юқори бўлишига эришиш мумкин.

Шунинг учун мавжуд ер майдонларининг ўлчамлари ва бажариладиган агротехник ишларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машиналарининг мақбул таркибини танлаб ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3.3.Машинанинг конструктив параметрларини техник самарадорлигига таъсири

Амалда ер майдонларининг шакли ва юзаси фермер хўжалиги жойлашган минтақанинг табиий рельефи ва етиштирилладиган экинларни сугориш усулларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган бўлиб, уларнинг ўлчамларини ўзгартириш имконияти чекланган.

Шунинг учун мавжуд ер майдонларининг ўлчамлари ва бажариладиган агротехник ишларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машиналарни мақбул таркибини танлаб ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Машинанинг техник самарадорлигини оширишда унинг асосий кўрсатгичи - қамраш кенглиги бўлиб, майдон юзаси катта ва бўйи узун далаларда қамраш кенглиги катта, аксинча майдон юзаси кичик ва бўйи қисқа майдонларда қамраш кенглиги нисбатан кичик бўлган агрегатлардан фойдаланиш юқори самара беради.

Шунга қарамасдан, барча машиналар қишлоқ хўжалиги ишларига қўйилган талабларни бажара олиши учун керакли фойдаланиш хоссаларига эга бўлиши зарур. Акс ҳолда талабга жавоб бермаган машина иши ундан кейин бажариладиган ишнинг сифатини кескин пасайишига олиб келади.

Маълумки, майдон юзаси бир хил, аммо узунлиги ҳар хил бўлган далаларга машина томонидан ишлов берилганда, унинг иш юришлари узунлигини ўзгариши, салт юришлар сонини ўзгаришига таъсир этади. Айниқса, иш юриш узунлигини жуда қисқа бўлиши салт бурилишлар сонини

кескин кўпайишига ва натижада салт юришлар умумий узунлигини ошишига олиб келади. Бу ҳолат машинанинг техник самарадорлигини кескин пасайтиради.

Дала узунлиги, бўйи ва энини нисбати, салт ва иш юришлар сони, дала майдонини юзаси ҳамда машинанинг қамраш кенглигига нисбатан ўзаро боғланиш натижаларини тахлили қўйидаги хulosаларни қилиш имконини берди:

- майдон юзаси 1-3 гектар ва узунлиги 50-120 метр бўлган далаларга қамров кенглиги 1 метрли;
- майдон юзаси 3-5 гектар ва узунлиги 120-170 метр бўлган далаларга қамров кенглиги 2 метрли;
- майдон юзаси 5-10 гектар ва узунлиги 170-280 метрдан юқори бўлган далаларга қамров кенглиги 3 метрли;
- майдон юзаси 10 гектар ва узунлиги 280-400 метр ва ундан юқори бўлган далаларга қамров кенглиги 4 метрли агрегатлар билан ишлов берилганда машинанинг техник самарадорлиги энг юқори бўлишига эришилади.

Назорат саволлари:

1. Машинанинг мақбул ва чекка харакат тезликлари моҳиятини тушинтиринг.
2. Осма ва ўрнатма машиналарининг бурилиш радиуси қандай аниқланади?
3. Қайси турдаги тракторлар энг кичик бурилиш радиусига эга?
4. Суғориладиган дехқончилик шароитида қайси турдаги бурилиш усулларидан қўпроқ фойдаланилади?
5. Машина салт юриш тезлигини қайси миқдорида унинг техник самарадорлиги энг юқори бўлади?
6. Суғориладиган ва лалмикор дехқончилик шароити учун даланинг асосий кўрсатгичларини айтинг;
7. Даланинг бўйи унинг қайси кўрсатгичи орқали аниқланади?
8. Амалда ер майдонини шакли қандай омилларга асосан ташкил этилади?
9. Машинанинг техник самарадорлигини оширишда унинг қайси параметри асосий кўрсатгич ҳисобланади?
10. Агрегат юзаси бир хил бўлган майдонларга ишлов берганда иш юришлари узунлигини ўзгариши унинг қайси кўрсатгичини ўзгаришига таъсир этади?

Фойдаланилга адабиётлар

1. Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўқув қўлланма)
2. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.

Кўшимча адабиётлар:

3. Тошболтаев М. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари. Т., “Фан ва технология”, 2016. - 602 б.
4. Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.

Интернет сайтлари:

5. <http://www.texbooks.ru>;
6. <http://www.ziyonet.uz>;
7. www.agri-tech.ru;
8. www.tdagromarket.ru;
9. [WWW.DIT.centr. Uz](http://WWW.DIT.centr.Uz)
10. <http://www.amazon.ru>;
8. www.tdagromarket.ru; 9. [WWW.DIT.centr. Uz](http://WWW.DIT.centr.Uz) 10.

4- мавзуу: Агрегатларнинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари

- Режа:**
1. Қишлоқ хўжалиги техникаларини эргономик кўрсатгичлари;
 2. Трактор ва машиналарни бошқаришниг замонавий тизими ва воситалари.
 3. Агрегатларнинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари

Таянч иборалар: “Инсон – машина - мухит” тизими, эргономик кўрсатгичлар, ахборот, биофизик, энергетик, фазовий-антропометрик ва техник-эстетик мувофиқликлар, ахборот ва мобил алоқа тизимлари, бошқариш терминали. Трактор ва, машиналарни бошқариш тизимлари ва воситалари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариишини масофадан

4.1. Қишлоқ хўжалиги техникаларини эргономик кўрсатгичлари

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг эргономик кўрсатгичларига меҳнатни санитар-физиологик шароитлари, техник ва технологик хизматлар кўрсатишга қулайлиги, меҳнат ҳавфсизлиги, эстетик ва бошқалар киради.

Техникани бошқарувчи операторни фаолияти даврида машинанинг барча тавсифларини таъминлайдиган ва шу билан бир вактда операторнинг хотираси ва фикрини чарчатмасдан барча ахборотни кабул килиш хамда кайта ишлаш имконини берадиган ахборот моделини яратиш эргономика тизимининг асосий вазифаси хисобланади.

Маълумки, операторни меҳнат фаолияти самарали бўлишини ва оператор учун куладай шароитлар яратилишини таъминлаш маҳсус тизим, яъни, “инсон-машина-мухит” тизими яратилиши талаб этилади.

Бу тизимнинг кафолатли фаолиятини таъминловчи беш хил мувофиқлик мавжуд бўлиб, буларга:

Ахборот мувофиқлиги. Оператор одатда бевосита физик жараёнларни қўлда бошкармайди, балки у факатгина ўлчаш асбоблари ва жихозларининг кўрсатгичларини кўриши, сигналларни эшлиши ва бу оркали жарённи бошкариб, назорат килиб бориши мумкин. Бу курилмалар ахборотни акс этдирувчи воситалар деб юритилади.

Ахборотни акс этирувчи воситалар ва сенсомотор курулмалар машинанинг ахборот модели деб аталади. Оператор ушбу модель оркали энг мураккаб системаларни хам бошкариши мумкин бўлади.


Биофизик мувофилик. Биофизик мувофилик деганда операторнинг макбул иш кобилиятини ва меъёрий физиологик холатини таъминлайдиган атроф-мухит шароити тушунилади. Шу сабабли, машиналарни ишлаб чикиришда (лойихалашда) шовкин, титраш, ёритилганлик, хаво муҳити ва шу каби факторларни стандарт бўйича ўрнатиш талаб этилади.

Энергетик мувофилик деганда, сарфланадиган куч, кувват, тезлик ва харакат аниклиги нисбатида машинанинг бошқариш органлари билан операторнинг оптимал имкониятларини мос келиши тушунилади.

Фазовий-антропометрик мувофилик - фаолият даврида, яъни, ишни бажариш вактида, операторнинг гавда ўлчамларини, ташки фазовий имкониятларини, ишчининг иш холатидаги гавда жойлашувини хисобга олиш демакдир.

Техник-эстетик мувофилик - машина ва иш технологиясини техник-эстетик жиҳатдан ишчининг талабини каноатлантиришидир. Инсон машинада иш бажарганда ёки асбоб ва курулмалардан фойдаланилганда ўзида ижобий хиссиётлар хосил килиши, яъни, хар кандай машинанинг ташки кўриниши, шакли, кулайлиги, ранги ва бошка қўрсаткичлари хам иш жараенига, хам ишчининг хиссиётига мос келиши лозим.

Замонавий тракторларни бошқаришда (4.1-расм) асосий эътибор ҳайдовчи-операторга қулай шароитлар яратишга қаратилган бўлиб, бунга қўйидагилар киради⁵:



4.1-расм. Клаас фирмасининг ARES 816 трактори кабинасида бошқарув ва ёрдамчи қурилмаларни жойлашиши.

⁵Трактора ARES, ARION, AXION. КЛААС КГАА мбХ П/Я 1163, Д - 33462, Харзевинкель www.ciaas.com. 2006.

- тракторни бошқариш тизимларини дастаклари ва тугмаларини қулай ўрнатилганлиги ва ҳайдовчи ўринидиги тебранишни йўқотувчи қурилма билан жиҳозланганлиги унга юқори даражали қулайлик туғдиради.

- кабина 8 нуқтали амортизация системасига ўрнатилган бўлиб, ҳайдовчига таъсир этадиган тебранишни минимал ҳолатга туширади.

- кабинани мақбул жойлаштирилганлиги, унинг атрофи кенг кўринишда ойнабанд қилинганлиги, кабина тўсинларини қисқа кенглиқда ва мустаҳкам ясалганлиги туфайли теварак атрофни 320^0 айланма кўриш ва ўрнатилган ишчи жиҳозларни назорат қилиш имконини беради.

- ҳайдовчи ўринидигини унинг бўйи, гавдасининг тузилишига қараб кўп ҳолатларга ростлаш мумкинлиги уни иш куни давомида ишлаш - кабинага кириш ва чиқишида қулай ушлагичлар, тиргаклар ва зиналарни сирпанишга қарши маҳсус қоплама билан қопланганлиги хавфсизликни таъминлайди.

4.2. Трактор ва машиналарни бошқаришнинг замонавий тизими ва воситалари.

Тракторга ўрнатилган борт компьютерлари (4.2-расм) ишлаб чиқариш топширигини кўрсатибгина қолмасдан балки уни бошқариш имконини беради. Маълумотларни киритиш, уларни ўзгартириш, топширик режимини киритиш ва операцияларни сақлаш имконини беради⁶.



4. 2-расм. Борт компьютерининг вариантлари: оддий гектар хисоблагич (юқорида чапдаги) Комфорт-Терминал ISO-BUS Мюллер-электроника “John Deere” компанияси тракторини компьютери.

Бу эса ишлаб чиқариш топширигини тахлил қилиш жараёнини тезлаштиради ва ҳайдовчи ишини енгиллаштиради, қобилиятини сақлаб қолишига ёрдам беради.

- ўлчов асбоблари доскасига ўрнатилган терминал тизими ёқилғи сарфи, ишлов берилган майдон, ҳосилдорлик, қолган иш вақти каби муҳим маълумотлар тўғрисида ҳайдовчига тўхтовсиз ахборот бериб туради.

- тракторга кунлик техник хизмат кўрсатиш ҳеч қандай асбобларсиз

⁶Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.280-бет.

бажарилади. Двигател устидаги катта ёпкич (капот) битта тагмачани босиш хисобига очилади ва двигателга хизмат кўрсатиладиган барча жойларга эришиш мумкин.

- қишлоқ хұжалиғи машиналарини бошқаришда оддий, универсал ва қулай усуллар ва замонавий бошқариш тизимлари яратылған бўлиб, улар турли хилдаги машиналарни бошқаришда қўлланилиб келинмоқда.

Операторнинг иш фаолиятини яхшилаш ва унумдорлигини оширишда ҳар бир қишлоқ хўжалиги машинасига алоҳида бошқариш тизимлари ўрнатилади. Кейинги пайтларда бу тизимларни тушуниш учун оддий ва бошқариш учун қулай бўлган бошқариш тизимларини яратишда ҳамма ишлаб чиқарувчиларга мос келадиган белгилар (символлар) қўлланилмоқда.

Бу тизимлар ёрдамчи қурилмалар сифатида асосий тушунчалар ва белгилар бир неча тилларда тушунтириш учун электрон таржимонлар билан таъминланган бўлади.

Масалан, Лемкен фирмасининг плугларини бошқариш учун махсус джойстлар (4.3-расм) ишлаб чиқилган бўлиб, уларга ёрдамчи қурилма сифатида тракторнинг джойстлари ҳамда ISOBUS блок-тизими ишлатилади⁷.



a) в)
6. 3-расм. Белгилар ва пиктограмма (а) қурилмаси ва плугни бошқариш учун джойстли ССIIISOBUS (в)терминали

Ҳар бир машина ва агрегатнинг бошқариш қулайлигини ошириш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли хилдаги ёрдамчи қурилмалар билан тамилланади.

CCI ISOBUS терминали-бошқариш тизими агрегатларни ҳамда қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришни бирлашған ҳолда назорат қилиш учун интерфейс–топширик назоратчи қурилмалар билан жиһозланған. Бу назоратчи маңсұс – үзіга хос вазифаларни үй


⁷Модельный ряд техники LEMKEN. LEMKEN GmbH & CO.KG Weseler StraBe 5 46519 Fipen www.lemken.com. 2008.
80-бет

компьютердан ёки бошқариш блокидан олинган маълумотларни, масалан, турли далаларга ишлов бериш вазифасини тахлил қилишга имконият яратади. Шу билан бирга бу бошқариш тизими GSM-модем орқали Интернетдан турли топшириқ ва вазифаларни тахлил қиласди.

CCI бошқарув блоки ёрдамида агрегатнинг муҳим функциялари қўриб туриш учун қўйилган бир неча видео камералар билан назорат қилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида агрегатнинг фойдаланиш мустаҳкамлигини оширади. CCI бошқарув блоки учун маҳсус навигацион дастур Fielnav ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида агротадбирларни ўтказиш жойини аниқлаш ва у ерга бориш учун қисқа йўлларини ҳайдовчига кўрсатиб туради. Жойнинг координатлари ер участкасини картотекасидан олинади.

4.3. Агрегатларнинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари

Агрегатлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда уларни масофадан туриб бошқариш мобил алоқа тизими (6.4-расм) масофадан туриб техникаларни иш жараёнини ва иш вақтини тахлил қилиш, уларни назорат қилиш, маълумотлар йиғиш, техник хизмат кўрсатиш учун ташхис қўйиш вақтини камайтириш имконини беради⁸.



4.4-расм. Агрегатларни масофада туриб бошқариш тизими:
1-интернет алоқаси; 2-мобил алоқа тизими; 3-CLAAS TELEMATICS веб-сервери; 4- эҳтиёт қисмлар базаси

“Клаас” фирмасининг тракторларига ўрнатилган CLAAS CEBUS, CIS, INFOTRAC, DRIVETRONIC, ELECTROPILOT ва бошқа ахборот тизимларини мавжудлиги ҳайдовчининг иш унумини оширишга имкон яратади.

⁸Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.281-бет.

Ҳар бир трактор ва машинанинг бошқариш қулайлигини ошириш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли хилдаги ёрдамчи қурилмалар билан таминланади.

Масалан, Лемкен фирмасининг плугларини бошқариш учун маҳсус джойстлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларга ёрдамчи қурилма сифатида тракторнинг джойстлари ҳамда ISOBUS блок-тизими ишлатилади⁹.

CCI ISOBUS терминали-бошқариш тизими агрегатларни ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришни бирлашган ҳолда назорат қилиш учун интерфейс-топшириқ назоратчи қурилмалар билан жиҳозланган. Бу назоратчи қурилма маҳсус – ўзига хос вазифаларни уй компьютердан ёки бошқариш блокидан олинган маълумотларни, масалан, турли далаларга ишлов бериш вазифасии тахлил қилишга имконият яратади.

Шу билан бирга бу бошқариш тизими GSM-модем орқали Интернетдан турли топшириқ ва вазифаларни тахлил қиласди.

CCI бошқарув блоки ёрдамида агрегатнинг муҳим функциялари кўриб туриш учун қўйилган бир неча видео камералар билан назорат қилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида агрегатнинг фойдаланиш мустаҳкамлигини оширади.

CCI бошқарув блоки учун маҳсус навигацион дастур Fielnav ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида агротадбирларни ўтказиш жойини аниқлаш ва у ерга бориш учун қисқа йўлларини ҳайдовчига кўрсатиб туради. Жойнинг координатлари ер участкасини картотекасидан олинади.

Келажакда бу бошқариш блоки-тизими олий ўқув ва илмий изланишлар вазирликларининг бирлашган қишлоқ хўжалиги тармоғига улаш мўлжалланган.

Бундан кутилган асосий мақсад қишлоқ хўжалик ишлари ва уларни ўтказиш жойлари тўғрисидаги барча маълумотларни бирлашган тармоққа йиғищдан иборат. Масалан, бунга агрегат тўғрисидаги, об-ҳаво, тупроқнинг ҳолати ва бошқа маълумотлардан иборат бўлади.

Бу ахборотлар келгусида “аниқ дехқончилик” тизимини яратиш ва қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этиш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида фермерларга олдиндан ишларни бажариш учун керакли тадбирларни келишиб олиш учун хизмат қиласди.

Маълумотлар тармоғи мобил қурилмалар, яъни, смартфон, планшет компьютерлар ҳамда агрегатларни бошқариш блоклари орқали олиш имкониятини яратилади.

⁹Модельный ряд техники ЛЕМКЕН. LEMKEN GmbH & CO.KG Weseler StraBe 5 46519 Fipen www. Iemken.com. 2008. 80-бет.

Келажакда фойдали, самарадор энергияли ва жой шароитига мослашган ишлаб чиқариш жараёнларини узокдан туриб бошқариш имконияти яратилади.

Назорат саволлари:

1. Қишлоқ хўжалиги техникаринг эргономик кўрсатгичларига нималар киралӣ?
2. Эргономик тизим кафолатини таъминловчи мувофиқликларни айтинг.
3. Трактор кабинасида ҳайдовчига қандай қулайликлар яратилиши керак?
4. Агрегатларни масофадан туриб бошқариш деганда нимани тушунасиз? Унинг ривожлантириш истиқболларини айтинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаридан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўкув қўлланма)
2. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.
3. Тошболтаев М. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари”. Т., “Фан ва технология”, 2016. - 602 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008. 280 б.
- 2.“Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электр лаштириш жараёнларини 2020 йилгача комплекс ривожлантиришнинг умумий концепциялари”Тошкент-2010. 81-бет.
3. Модельный ряд техники ЛЕМКЕН. LEMKEN GmbH & CO.KG Weseler StraBe 5 46519 Fipen www. Iemken.com. 2008. 80-бет.
4. S.C.Panda.“Post Harvest Technology and Farm Mtchanization”.India, 2013.

Интернет сайтлари

5. <http://www.texbooks.ru;>
6. <http://www.ziyonet.uz;>
7. www.agri-tech.ru;
8. www.tdagromarket.ru; 9. WWW.DIT.centr.Uz 10.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: Тупроқ юзасига технологик материалларни сепиш агрегати иш унумини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш (2 соат)

Ишнинг мақсади. Тингловчиларни тупроқ юзасига технологик материалларни сепиш агрегатларининг ҳақиқий (фойдаланишдаги) иш унумларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларнинг миқдорларини тахлил қилиш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.

Керакли жиҳозлар. Ҳисоблаш машиналари, услубий қўлланмалар ва мавзуга оид адабиётлар.

Агрегатларнинг мазкур грухига маъданли ва маҳаллий ўғитларни сочувчи НРУ-0,5, РМУ-0,5, РПТУ-5, РОУ-6, 1-РМГ-4 типидаги машиналар, вентиляторли ОВХ-600 ва штангали ОПШХ-12/15 русумли дори пуркагичлар каби машиналардан тузилган агрегатлар киради.

Бу агрегатларнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, улар майдоннинг юзасига маъданли ва маҳаллий ўғитлар ёки бегона ўтлар ва зааркунандаларга қарши заҳарли кимёвий препаратлар сочишдан иборат бўлади. Бунда уларнинг иш унуми вақт бирлигида дала юзасига киритилаётган материаллар миқдори билан аниқланади.

1. Қамров кенглиги B_k (m) бўлган ва V_h ($km/soat$) тезлик билан ҳаракатланаётган агрегат бир гектарга n_m (u/ga) материал (ўғит, кимёвий препарат ва б.) киритиши, яъни бир бирлик вақт давомида **дала юзасига киритиладиган материал миқдори (материалнинг узатилиши)** қўйидаги аниқланади:

$$q = 0,1 B_k V_h n_m \text{ (u/soat)}.$$

У ҳолда q катталикнинг [кг/сек] билан ўлчанадиган миқдори қўйидаги формула билан топилади:

$$q = \frac{B_k V_h n_m}{360} \text{ (кг/сек)},$$

бунда n_m - технологик материални дала юзасига киритилиш меъёри, ц/га; B_k [m]; V_h [$km/soat$].

2. Агрегатнинг технологик жараёни белгиланган меъёрида кечиши учун узатилаётган материал микдори q сочувчи аппаратнинг (дори пуркагич насосининг, маҳаллий ўғит сепиш машинаси транспортёрининг ва б.) максимал Q_{\max} унумдорлигидан ошмаслиги керак:

$$Q_{\max} \geq q \quad \text{ёки} \quad Q_{\max} \geq \frac{B_k V_n n_m}{360} \left(\frac{\kappa \tau}{\text{сек}} \right).$$

3. Аагрегатнинг бир соатдаги фойдаланиш иш унумини юқоридаги талабни ҳисобга олган ҳолда қуидагича ифодалаш мумкин:

$$w_{\text{жк}} = 36 \frac{Q_{\max}}{n_m} \tau \quad (\text{га/соат}).$$

4. Агрегатининг ишлов бериладиган юзаси бўйича бир сменадаги фойдаланиш (ҳақиқий) иш унуми қуидагича аниқланади:

$$w_{\text{жк}} = 0,1 B_k \beta V_n \eta T_{\text{см}} \tau [\text{га}]$$

Бу ерда: β - агрегатнинг қамраш кенглигидан фойдаланиш коэффициенти;
 η – агрегатнинг назарий тезлигидан фойдаланиш коэффициенти;
 τ - смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти (2-илова).

Агрегатларнинг ҳақиқий иш унумини ҳисоблашда β нинг қийматлари: тупроққа минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда кимёвий ўғит сепкичлар ва вентиляторли дори пуркагичлар учун – $0,96 \div 0,98$ ва штангали пуркагичлар учун – $1,0$ тенг қилиб олинади;

Агрегатнинг назарий тезлигидан фойдаланиш коэффициенти η филдиракли тракторлар учун $0,85 \dots 0,95$ чегарада ўзгаради.

5. Агрегатининг кунлик ҳақиқий иш унуми қуидаги формула билан аниқланади:

$$w_{\text{жк}} = 0,1 B_k \beta V_n \eta T_{\text{см}} n_{\text{см}} \tau [\text{га}]$$

Бу ерда: $n_{\text{см}}$ – сменалар сони.

Топшириқ (вариант _____)

Ишлаб чиқариш жараёнининг номи _____

Агрегат таркиби: трактор русуми _____
 машина русуми _____ сони _____

Агрегатнинг иш тезлиги _____ км/соат, ишлов бериш кенглиги _____ м

Смена давомийлиги: вақти _____ соат, сони _____ дона

Даланинг ўлчамлари: майдони _____ га, узунлиги _____ м

Тупроқнинг солиштирма қаршилиги _____ кН/м

Вариантлар	Ишнинг номи	Тракторнинг русуми	Машинанинг русуми	Агрегатнинг иш тезлиги, км/соат	Ишлов бериш кенглиги, м	Смена давомий-лиги		Даланинг ўлчам-лари	Тупроқнинг солиштирилгандашларнинг каршилиги, кН/м	
						Давомий-лиги, соат	Сони			
1	Ўғит сепиши	ТТЗ-60.10	РМУ-0,5	12	12	10	1	5	300	0,5
2		ТТЗ-80.10	РПТУ-5	10	3,6	10	1	5	200	1,3
3	Кимёвий дори сепиши	ТТЗ-60.11	ОВХ-600	7	30	6	1	10	500	0,2
4		ТТЗ-80.11	ОПШХ-12/15	6	12	6	1	10	300	0,3
5		ТТЗ-60.11	ВП-1	6	13	6	1	5	150	0,2

Ишнинг бажариш тартиби

- Тингловчилар гурухларга бўлиниб, ҳар бир гурух учун алоҳида варианктлар (1-жадвал) бўйича ишни бажариш топширилади.
- Машғулот давомида тингловчилар берилган топшириқقا асосан технологик материалларни сепишиш агрегатларининг назарий ва ҳақиқий иш унумларининг микдорларини юқорида кўрсатилган формулаларга асосан аниқлаб чиқилади.
- Гурухлар томонидан ҳисоблаб чиқилган кўрсатгичлар улар ўртасида ўзаро муҳокама қилиниб, топшириқларнинг бажарилишида аниқланган микдорларнинг фарқига таъсир этувчи омилларни тахлил қилиш ва хulosса бериш тартибини ўрганиш бўйича кўнилмалар ҳосил қиласилади.

Иш бўйича ҳисоботда:

Ишнинг мақсади, керакли жиҳозлар, берилган топшириқлар, ишнинг бажариш тартиби ва олинган маълумотларга асосан агрегат иш унумининг турли микдорларини тахлил қилиб, уларнинг бир-биридан ўзаро фарқлари ва улардан фойдаланиш бўйича хulosалар келтирилади.

Назорат саволлари:

1. Тупроқ юзасига технологик материалларни сепиш агрегатлари иш унумини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг;
2. Агрегатлар турига қараб уларнинг қамраш кенглиги ўзгаришининг моҳиятини тушунтириинг;
3. Нима учун штангали пуркагичнинг қамраш кнглигидан фойдаланиш коэффициентининг миқдори бирга тенг қилиб олинишини тушунтириинг;
4. Минерал ва маҳаллий ўғитлар сепувчи агрегатларнинг смена вактидан фойдаланиш коэффициентини ошириш бўйича қайси омилларга алоҳида эътибор қаратилиши керак?;
5. Вентиляторли ва штангали пуркагичлар афзаллиги ва камчиликларини айтинг.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўкув қўлланма)
2. Тошболтаев.М. “Машина-трактор агрегатлари иш унумини оширишнинг назарий ва амалий принциплари” Т., “Spectrum Media Group”, 2015. – 87 б. (монография).

2- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: Ўсимликлар уруғини экиш ва қатор ораларига саёз ишлов бериш агрегатларининг иш унумини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш (2 соат)

Ишнинг мақсади. Тингловчиларни ўсимликлар уруғини экиш ва қатор ораларига саёз ишлов бериш агрегатларининг ҳақиқий (фойдаланишдаги) иш унумларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиши ҳамда уларнинг миқдорларини тахлил қилиш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.

Керакли жиҳозлар. Ҳисоблаш машиналари, услубий қўлланмалар ва мавзуга оид адабиётлар.

Ҳозирги пайтларда ўсимликлар уруғини экиш ва қатор ораларига саёз ишлов бериш турли хилдаги экиш сеялкалари ва култиваторлардан фойдаланиб келинмоқда. Масалан чигит экишда эса МТЗ-80Х ёки ТТЗ 80.11 чопиқ тракторига осиладиган СЧХ-4А, СХУ-4 ёки СМХ-4 механик сеялкалардан ҳамда МХ-135 универсал-чопиқ трактори билан агрегатланадиган “Кейс-1200” пневматик сеялкадан ҳамда КХУ-4 пахта қатор орасига ишлов бериш культиваторларидан фойдаланилмоқда.

Бу агрегатларнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, улар майдоннинг бутун юзасига эмас, балки даланинг бир қисмига унча катта бўлмаган чукурликда ишлов беради.

Мазкур агрегатларнинг иш унуми умумий ҳолда машинанинг қамров кенглиги B_{κ} , иш тезлиги V_h ва смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти (τ) га боғлиқ.

Ушбу агрегатларнинг назарияси ва амалиётида асосан агрегатнинг соатлик ва сменавий ҳақиқий (фойдаланиш) ҳамда кунлик иш унумидан кўпроқ фойдаланилади.

1. Ўсимликлар қатор орасига ишлов беришда ишчи органлари тенг масофаларда ёнма-ён жойлашган машинанинг бир соатдаги ҳақиқий иш унуми:

$$w_{\vartheta_k} = 0,1(B_{\kappa} + \sigma_{\kappa})V_h\tau$$

ёки

$$w_{\vartheta_k} = 0,1\sigma_{\kappa}(n_{\kappa}+1) V_h\tau \text{ (га/соат),}$$

бунда $B_{\kappa} = \sigma_{\kappa} n_{\kappa}$ – агрегатнинг шартли ишчи қамров кенглиги (икки чеккада жойлашган иш органлари орасидаги масофа), м (1-илова);

σ_k – қатор орасининг кенглиги, м;

n_k – ишлов берилгаётган қаторлар сони;

V_h - агрегатнинг тезлиги, км/соат; (2-илова)

τ - смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти (2-илова).

2. Юқорида айтилганидек, агрегат бутун майдонга эмас, унинг бир қисми гагина ишлов беради. Шу сабабли агрегатнинг бу ҳолатдаги иш унуми қўйидагича топилади:

$$w_{ek} = 0,1 B_T V_h \tau \text{ (га/соат),}$$

Бунда $B_T = \sigma_u n_u$ - ишлов берилган тасмалар (тилимлар)нинг умумий кенглиги, м;

$\sigma_u = \sigma_k$ - σ_x - битта ишчи орган ёки ишлов берилган тасмаларнинг қамров кенглиги, м; $\sigma_u = \sigma_k - \sigma_x$

σ_x – ҳимоя йўлaginiнг кенглиги, м: Ўзга қатор ораси 60 см бўлса 12-18 см, 90 см бўлганда 24-30 см ни ташкил этади.

n_u - ишчи органлар ёки тасмалар сони.

3. Агрегатининг бир сменадаги фойдаланиш (ҳақиқий) иш унуми қўйидагича аниқланади:

$$w_{ek} = 0,1 B_k \beta V_h \eta T_{cm} \tau \text{ [га]}$$

Бу ерда: β - агрегатнинг қамраш кенглигидан фойдаланиш коэффициенти;

η – агрегатнинг назарий тезлигидан фойдаланиш коэффициенти;

τ - смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти (2-илова).

Агрегатларнинг ҳақиқий иш унумини ҳисоблашда β нинг қийматлари: тупроққа ёппасига ишлов берувчи тирма, чизел ва култиваторлар учун – 0,96...0,98 ва барча турдаги сеялкалар ва қатор орасига ишлов бериш култиваторлари учун – 1,0 га тенг қилиб олинади;

Агрегатнинг назарий тезлигидан фойдаланиш коэффициенти η занжирли тракторлар учун $\eta=0,85...0,95$ ва филдиракли тракторлар учун $\eta = 0,65...0,85$ чегарада ўзгаради.

4. Агрегатининг кунлик ҳақиқий иш унуми қўйидаги формула билан аниқланади:

$$w_{ek} = 0,1 B_k \beta V_h \eta T_{cm} n_{cm} \tau \text{ [га]}$$

Бу ерда: n_{cm} – сменалар сони.

Ишнинг бажариш тартиби

1. Тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ учун алоҳида варианatlар (жадвал) бўйича ишни бажариш топширилади.

Топшириқ (вариант _____)

Ишлаб чиқариш жараёнининг номи _____

Агрегат таркиби: трактор русуми _____
машина русуми _____ сони _____

Агрегатнинг иш тезлиги ____ км/соат, ишлов бериш чуқурлиги ____ см

Смена давомийлиги: вақти _____ соат, сони ____ дона

Даланинг ўлчамлари: майдони _____ га, узунлиги _____ м

Тупроқнинг солиштирма қаршилиги _____ кН/м

Жадвал

Вариантлар	Ишнинг номи	Тракторнинг русуми	Машинанинг русуми	Агрегатнинг иш тезлиги, км/соат	Ишлов бериш чуқурлиги, см	Смена давомийлиги	Даланинг ўлчамлари	Майдони, га	Узунлиги, м	Тупроқнинг солиштирма қаршилиги, кН/м
1	Чигит экиш	ТТЗ-60.11	СЧХ-4А	8	4	10	1	5	200	1,2
2		ТТЗ-80.11	СХМ-4	7	4	10	1	5	200	1,2
3		МХ-140	Кейс-1200	8	4	10	1	10	500	1,5
4	Қатор орасига ишлов бериш	ТТЗ-60.11	КХУ-4	8	12	10	1	10	150	3,2
5		ТТЗ-80.11	КХМ-4	6	12	10	1	10	500	3,2

2. Машғулот давомида тингловчилар томонидан берилган топшириққа асосан тупроққа саёз ишлов бериш агрегатларининг назарий ва ҳақиқий иш унумларининг миқдорларини юқорида кўрсатилган формулаларга асосан аниқлаб чиқилади.

3. Гуруҳлар томонидан ҳисоблаб чиқилган кўрсатгичлар улар ўртасида ўзаро муҳокама қилиниб, топшириқларнинг бажарилишида аниқланган миқдорларнинг фарқига таъсир этувчи омилларни тахлил қилиш ва хulosha

бериш тартибини ўрганиш бўйича кўникмалар ҳосил қиласидилар.

Иш бўйича ҳисоботда:

Ишнинг мақсади, керакли жиҳозлар, берилган топшириқлар, ишнинг бажариш тартиби ва олинган маълумотларга асосан агрегат иш унумининг турли миқдорларини тахлил қилиб, уларнинг бир-биридан ўзаро фарқлари ва улардан фойдаланиш бўйича хуносалар келтирилади.

Назорат саволлари:

1. Кенг қаторлаб уруғ экиш ва қатор ораларига ишлов бериш агрегатлари иш унумларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг;
1. Агрегатнинг қамраш кенглигидан фойдаланиш коэффициентининг моҳиятини тушунтириинг;
2. Қатор ораларига ишлов беришда агрегат тезлигини ўзгартиришга таъсир этувчи омилларни айтинг. Мисоллар келтириинг;
3. Смена вақтидан фойдаланиш коэффициентини ошириш бўйича қайси омилларга алоҳида эътибор қаратилиши керак?;
4. Қаторлаб уруғ экиш ва қатор орасига ишлов беришда нима учун осма агрегатлардан фойдаланилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Тошболтаев М. “Машина-трактор агрегатлари иш унумини оширишнинг назарий ва амалий принциплари” Т., “Spectrum Media Group”, 2015. – 87 б. (монография).
2. Игамбердиев А., Аликұлов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўкув қўлланма)
3. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.- 360 б.
4. Зангиров АА и др. Эксплуатация машинно-тракторного парка” – М. “Колос”, 2004. – 320 с. (учебник)

3- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: Пахта териш машинасининг иш унумини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш (2 соат)

Ишнинг мақсади. Тингловчиларни пахта ҳосилини териб олишда пахта териш машинасининг ҳақиқий (фойдаланишдаги) иш унумларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларнинг миқдорларини тахлил қилиш бўйича кўнікмалар ҳосил қилиш.

Керакли жиҳозлар. Ҳисоблаш машиналари, услубий қўлланмалар ва мавзуга оид адабиётлар.

Пахта ҳосилининг очилган қисмини териб олиш учун “Кейс-2022” горизонтал шпинделли ва “МХ-1,8” тик (вертикал) шпинделли пахта териш машиналари ишлатилади.

Пахта ҳосилини машиналар ёрдамида териб олиш даражаси далаларни теримга тайёрлаш, машина иш органларини тўғри созлаш, теримни ташкил этиш қоидалари ва технологиясига қатъий амал қилишга боғликдир.

Пахта териш машинаси ҳосилни тўқмасдан, ифлос қилмай юқори унум билан ишлаши учун пахта далаларини машина терими учун талаблар даражасида тайёрлаш, фўза тупларини чилпиш ва дефоляциялаш тадбирларини оптимал муддатларда ўтказиш, машина қисмларини даладаги пахтанинг ҳолатига қараб тўғри ростлаш, техник қаровларни ўз вақтида сифатли қилиб бажариш, терим-транспорт отрядларини ташкил қилиш ва уларни зарур техника воситалари билан бутлаш ва механик-ҳайдовчиларни малакасини ошириш лозим бўлади.

1. Пахта териш машинасининг техникавий (назарий) иш унуми:

$$w_T = 0,01 n_{\kappa} \sigma_{\kappa} V_n y_n, \text{ m / соат.}$$

Буерда: n_{κ} - қаторлар сони, дона; b_{κ} - қатор ораси кенглиги, м;

V_n - маашинанинг назарий тезлиги, км/соат (2-илова); y_n - фўза тупларидан териб олинган ва машина бункерига тушган пахта миқдори, ц/га.

2. Фойдаланиш иш унуми:

$$w_{\vartheta\kappa} = 0,01 n_{\kappa} \sigma_{\kappa} V_n y_n \tau, \text{ m / соат,}$$

бунда τ - смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти (2-илова).

3. Агрегатининг ишлов бериладиган юзаси бўйича бир сменадаги фойдаланиш (ҳақиқий) иш унуми қўйидагича аниқланади:

$$w_{\vartheta\kappa} = 0,1 B_{\kappa} \beta V_n \eta T_{cm} \tau [га]$$

Бу ерда: β - агрегатнинг қамраш кенглигидан фойдаланиш коэффициенти;
 η – агрегатнинг назарий тезлигидан фойдаланиш коэффициенти;

Агрегатларнинг ҳақиқий иш унумини хисоблашда β нинг қийматлари: пахтани териб олишда пахта териш машиналари учун 1,0 га тенг қилиб олинади. Агрегатнинг назарий тезлигидан фойдаланиш коэффициенти η филдиракли терим машиналари учун 0,85....0,95 чегарада ўзгаради.

4. Агрегатининг кунлик ҳақиқий иш унуми қуйидаги формула билан аниқланади:

$$w_{ek} = 0,1 B_k \beta V_n \eta T_{cm} n_{cm} \tau [га]$$

Бу ерда: n_{cm} – сменалар сони.

Топшириқ (вариант _____)

Ишлаб чиқариш жараёнининг номи _____

Агрегат таркиби: Машинанинг русуми _____

Агрегатнинг иш тезлиги _____ км/соат, ишлов бериш кенглиги _____ м

Смена давомийлиги: вақти _____ соат

Даланинг ўлчамлари: майдони _____ га, узунлиги _____ м

Машинанинг солиштирма қаршилиги _____ кН/м

3-жадвал

Вариантлар	Ишнинг номи	Пахта хосилдорлиги, ц/га	Комбайннинг русуми	комбайннинг иш тезлиги, км/соат	Қамраш кенглиги, м	Смена давомийлиги		Даланинг ўлчамлари	Тулроқнинг солиштирма қаршилиги, кН/м
						Давомийлиги, соат	Сони		
1	Пахтани машина нада териш	25	Кейс-2022	5	1,8	10	1	20	400
2		25	Джон Дир 7260	5	1,8	10	1	15	350
3		30	MX-1,8	4	1,8	10	1	10	350

Ишнинг бажариш тартиби

- Тингловчилар гурӯхларга бўлиниб, ҳар бир гурӯх учун алоҳида вариантылар (3-жадвал) бўйича ишни бажариш топширилади.
- Машғулот давомида тингловчилар томонидан берилган топшириқка асосан пахта териш машиналарининг назарий ва ҳақиқий иш унумлари

микдорларини юқорида кўрсатилган формулаларга асосан аниқлаб чиқилади.

3. Гуруҳлар томонидан ҳисоблаб чиқилган кўрсатгичлар улар ўртасида ўзаро муҳокама қилиниб, топшириқларнинг бажарилишида аниқланган микдорларнинг фарқига таъсир этувчи омилларни тахлил қилиш ва хulosса бериш тартибини ўрганиш бўйича кўнималар ҳосил қиласидилар.

Иш бўйича ҳисоботда:

Ишнинг мақсади, керакли жиҳозлар, берилган топшириқлар, ишнинг бажариш тартиби ва олинган маълумотларга асосан агрегат иш унумининг турли микдорларини тахлил қилиб, уларнинг бир-биридан ўзаро фарқлари ва улардан фойдаланиш бўйича хulosалар келтирилади.

Назорат саволлари:

1. Пахта териш машинаси иш унумини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг;
2. Пахта териш машинасининг ишчи қисмини танлашда пахта хомашёсининг қайси кўрсатгичи механизациялаш асоси қилиб олинган;
3. Пахта териш машинасининг иш тезлигини қабул қилишда унга таъсир этувчи асосий омилларни айтинг;
4. Вертикал шпинделли ва горизонтал шпинделли пахта териш машиналарининг афзаллиги ва камчиликларини айтинг;
5. Пахта теримини узликсиз оқим усулида ташкил этишининг моҳиятини тушунтиринг. Бу усулнинг машина иш унумига таъсирини изоҳланг.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Тошболтаев М. “Машина-трактор агрегатлари иш унумини оширишнинг назарий ва амалий принциплари” Т., “Spectrum Media Group”, 2015. – 87 б. (монография).
2. Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўкув қўлланма)
3. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.- 360 б.
4. Зангиев АА и др. Эксплуатация машинно-тракторного парка” – М. “Колос”, 2004. – 320 с. (учебник)

4- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: Ғалла ўриш комбайнининг иш унумини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш (2 соат)

Ишнинг мақсади. Тингловчиларни ғалла ҳосилини йиғишириб олишда ғалла комбайнининг ҳақиқий (фойдаланишдаги) иш унумларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларнинг миқдорларини тахлил қилиш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.

Керакли жиҳозлар. Ҳисоблаш машиналари, услубий қўлланмалар ва мавзуга оид адабиётлар.

Ғалла ўримида ишлатилаётган “Кейс-2166”, “Кейс-2366”, “Класс-Доминатор-130”, Тукано каби ғалла комбайнларининг иш унумини аниқлашнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бу шароитда иш унумига таъсир этувчи умумий омиллардан ташқари ишлов берилаётган ўсимлик массасининг миқдорига ҳам боғлиқ бўлади.

Маълумки, комбайннинг ишчи қисмлари муайян ўтказиш қобилиятига эга бўлади.

Комбайн томонидан бир бирлик вақт ичida нобудгарчиликларсиз ишлов бериладиган массасининг энг катта миқдорига комбайнинг ўтказиш қобилияти (Q_{\max}) дейилади. Ўтказиш қобилияти ғалла массасига ишлов берувчи аппарат ишчи қисмларининг конструкцияси ва ростланишига боғлиқ бўлади.

Табиийки, комбайннинг бир бирлик қамров кенглигига тўғри келган ўтказиш қобилияти қанчалик юқори бўлса, у шунчалик катта ҳаракат тезлигига ишлай олади.

1. Бирлик вақт ичida комбайнга тушаётган ўрилган ғалла массаси ёки узатиш миқдори қўйидагича аниқланади:

$$q = \frac{B_{\kappa} V_{\eta} y_{\delta}}{360} (1 + c_{\delta}), \text{ кг/с.}$$

Мазкур агрегатларнинг иш унуми умумий ҳолда машинанинг қамров кенглиги B_{κ} , иш тезлиги V_{η} ва дон массасининг миқдорига боғлиқ бўлади.

Дон массасининг миқдори:

$$y_{\delta} (1 + c_{\delta}), \text{ ц/га},$$

бунда y_{δ} - дон ҳосилдорлиги, ц/га; c_{δ} - йиғилаётган сомон массасининг дон массасига нисбатини ифодаловчи коэффициент.

Комбайн жаткаси билан ўрилган ва янчиш барабанига тушаётган ғалла

массасининг микдори қирқишиш баландлигига боғлиқ бўлиб, тақрибан кирқилган поялар узунлигига пропорционал деб олиш мумкин:

$$c_{\vartheta} = c_{\varepsilon} \left(1 - \frac{l}{l_0}\right),$$

бунда c_{ε} – илдизида турган бутун ғалла массасининг йигилаётган дон массасига нисбатини ифодаловчи коэффициент, c_{ε} нисбат $\min 1,0 : 0,5$ ва $\max 1,0 : 1,2$ га teng ёки $2,0 \dots 0,83$ оралиғида бўлиши керак.

l_0 - ғалла ўсимлигининг ўртача баландлиги, $l_0 = 50-60$ см;

l - ўриш баландлиги, $l = 20-25$ см.

2. Ғалла ўримида минимал дон нобудгарчилигига эришиш учун

$$Q_{\max} \geq q \quad \text{ёки} \quad Q_{\max} \geq \frac{B_{\kappa} V_{\mu} y_{\vartheta}}{360} (1 + c_{\vartheta}), \text{ кг/с},$$

тенгсизликни сақлаш керак.

3. Комбайннинг бир соатдаги ҳақиқий (фойдаланиш) иш унуми:

$$w_{\text{ек}} = 36 \frac{Q_{\max}}{y_{\vartheta} (1 + c_{\vartheta})} \tau, \text{ га/соат}.$$

Демак, ғалла комбайннинг иш унуми ($w_{\text{ек}}$) янчиш аппаратининг ўтказиши қобилияти (q), унга келиб тушаётган ғалла массаси ($y_{\vartheta}, c_{\vartheta}$) ва смена вақтидан фойдаланиш (τ) коэффициентига боғлиқ. Бу тенгламалардан фойдаланиб ғалла комбайлари ишланмасининг дифференциялаш техник меъёрларини асослаш учун зарур бўлган иш унумини ҳар қандай ғалла массасига боғлиқ равишда ҳисоблаб топиш мумкин.

4. Агрегатининг ишлов бериладиган юзаси бўйича бир сменадаги фойдаланиш (ҳақиқий) иш унуми қуйидагича аниқланади:

$$w_{\text{ек}} = 0,1 B_{\kappa} \beta V_{\mu} \eta T_{\text{см}} \tau [\text{га}]$$

Бу ерда: β - агрегатнинг қамраш кенглигидан фойдаланиш коэффициенти;

η – агрегатнинг назарий тезлигидан фойдаланиш коэффициенти;

τ - смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти (2-илова).

Агрегатларнинг ҳақиқий иш унумини ҳисоблашда β нинг қийматлари: ғаллани йиғишириб олишда ғалла ўриш комбайнлар учун $0,96 \div 0,98$ га teng қилиб олинади;

Агрегатнинг назарий тезлигидан фойдаланиш коэффициенти η ғилдиракли комбайнлар учун $0,85 \dots 0,95$ чегарада ўзгарамади.

5. Агрегатининг кунлик ҳақиқий иш унуми қўйидаги формула билан аниқланади:

$$w_{\vartheta_k} = 0,1 B_k \beta V_n \eta T_{cm} n_{cm} \tau [га]$$

Бу ерда: n_{cm} – сменалар сони.

Ишнинг бажариш тартиби

1. Тингловчилар гурухларга бўлиниб, ҳар бир гурух учун алоҳида вариантлар (жадвал) бўйича ишни бажариш топширилади.

Топширик (вариант _____)

Ишлаб чиқариш жараёнининг номи _____

Агрегат таркиби: Комбайнни русуми _____

Агрегатнинг иш тезлиги _____ км/соат, ишлов бериш кенглиги _____ м

Смена давомийлиги: вақти _____ соат, сони _____ дона

Даланинг ўлчамлари: майдони _____ га, узунлиги _____ м

Машинанинг солиштирма қаршилиги _____ кН/м

Жадвал

Вариантлар	Ишнинг номи	Дон хосилдорлиги, ц/га	Комбайннинг русуми	Комбайннинг иш тезлиги, км/ссат	Камраш кенглиги, м	Смена давомий- лиги		Даланинг ўлчам- лари	Тупроқнинг солиштирма каршилиги, кН/м
						Давомий- лиги, соат	Сони		
1	Галла ўриш	45	Домина- тор-130	7	4,2	10	1	20	500
2		50	Тукано	7	5,0	10	1	15	400
3		50	Кейс- 2388	7	6,0	10	1	20	350
4		45	TC- 50/60	7	5,0	10	1	10	300
5		20	КПК- 2,4	6	2,4	10	1	10	150

1,8

2. Машғулот давомида тингловчилар томонидан берилган топшириқقا асосан ғалла ўриш комбайнларининг назарий ва ҳақиқий иш унумларининг миқдорларини юқорида кўрсатилган формулаларга асосан аниқлаб чиқилади.

3. Гурухлар томонидан ҳисоблаб чиқилган кўрсатгичлар улар ўртасида ўзаро муҳокама қилиниб, топшириқларнинг бажарилишида аниқланган миқдорларнинг фарқига таъсир этувчи омилларни тахлил қилиш ва хulosha бериш тартибини ўрганиш бўйича кўнималар ҳосил қиласилади.

Иш бўйича ҳисоботда:

Ишнинг мақсади, керакли жиҳозлар, берилган топшириқлар, ишнинг бажариш тартиби ва олинган маълумотларга асосан агрегат иш унумининг турли миқдорларини тахлил қилиб, уларнинг бир-биридан ўзаро фарқлари ва улардан фойдаланиш бўйича хulosalар келтирилади.

Назорат саволлари:

1. Ғалла ўриш комбайнни иш унумини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг;
2. Комбайнни қамраш кенглигидан фойдаланиш коэффициенти бир бирликда кам олинишининг моҳиятини тушунтириинг;
3. Комбайннинг иш тезлигини қабул қилишда унга таъсир этувчи асосий омилларни айтинг;
4. Илдизида турган бутун ғалла массасининг йиғилаётган дон массасига нисбатини ифодаловчи коэффициентнинг моҳиятини тушунтириинг;
5. Қандай шароитда аксиал-роторли ёки барабанли янчгичли комбайнлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Тошболтаев М. “Машина-трактор агрегатлари иш унумини оширишнинг назарий ва амалий принциплари” Т., “Spectrum Media Group”, 2015. – 87 б. (монография).
2. Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўқув қўлланма)
3. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-3606

5- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: Транспорт агрегати иш унумини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш (2 соат)

Ишнинг мақсади. Тингловчиларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта, дон, картошка ва б.) ва материалларини (ўғит, уруғ ва б.) ташишда транспорт воситасининг ҳақиқий (фойдаланишдаги) иш унумларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўргатиш ҳамда уларнинг миқдорларини тахлил қилиш бўйича кўнималар ҳосил қилиш.

Керакли жиҳозлар. Ҳисоблаш машиналари, услубий қўлланмалар ва мавзуга оид адабиётлар.

Қишлоқ хўжалигидаги транспорт воситаларининг юк кўтариш имконидан фойдаланиш даражасига қараб, кам ҳажмли (дон, ўғитлар ва бошқа); катта ҳажмли (пичан, похол, силослар); дона юклар (машиналар, моллар) фарқланади. Ортиш ва тушириб олиш усулига қараб, юклар дона, тўкиб қўйиладиган ва қўйиладиган хилларга ажралади.

Дона юклар: қоплар, бочкалар, яшиклар, саватлар, тойлар ва бошқа ўрамларда ташиладиган ва идишсиз ташиладиган юкларга ажралади. Тўкиб қўйиладиган юклар (дон, кўк масса ва бошқа), қўйиладиган юкларни бошқа идишларга қўйиш (ёнилғи-мой материаллар, эритмалар) орқали ташилади..

Агрегатнинг ўзига хос хусусиятларига агрегат юкларни ташиш жараёнининг бир циклида олдинга харакат юк билан орқага эса салт юриш ҳолатда харакатланиб бажаради. Шу билан бирга ташилаётган юкларнинг солиштирма оғирлиги (зичлиги) турлига бўлиши мумкин. Юкларнинг муҳим кўрсаткичи уларнинг ҳажмий оғирлигидан (t/m^3) иборат. Юкларнинг ҳажмий оғирлиги (зичлиги) қўйидаги чегараларда бўлади: дон – $0,65...0,81\ t/m^3$; пичан ва зичланган похол – $0,15...0,20\ t/m^3$; минерал ўғитлар – $0,75...0,90\ t/m^3$; зичланмаган пахта – $0,10...0,15\ t/m^3$; зичланган пахта – $0,4-0,5\ t/m^3$.

Агрегатдан фойдаланиш самарасини бирлик вақт давомида тонна ҳисобида ташилган юк миқдори билан аниқлаш мумкин.

Юк ташиш агрегатининг [т.км/соат] бирлиқда ифодаланган иш унумлари: назарий $w_n = \frac{P_{ul}^n V_n}{f}$; техникавий $w_T = \frac{P_{ul}^n V_n}{f} \tau_u$; ва

$$\text{фойдаланиш } w_{ek} = \frac{P_{ul}^n V_n}{f} K_{io} \tau_u \tau_u,$$

бунда P_{ul}^n - агрегатнинг юк ташишга сарфлайдиган номинал тортиш кучи, т;

f - юк ташиш воситаси филдиракларининг думаланиш коэффициенти зичланган қаттиқ йўл 0,03-0,05; ҳайдалган дала 0,16-0,18; анғиз 0,08-0,10.

τ_u - иш вақтидан фойдаланиш коэффициенти, $\tau_u = 0,8-0,95$:

$K_{\text{ю}}$ - агрегатнинг юк кўтариш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти юкнинг ҳажмий оғирлигига боғлиқ бўлиб $K_{\text{ю}} = 0,15-0,81$ ташкил этади;

τ_u - юк ташиш циклидан фойдаланиш коэффициенти, $\tau_u = 0,5-1,0$.

Агрегатнинг юк ташишга сарфлайдиган тракторнинг номинал тортиш кучи ($P_{\text{ул}}^h$) ишнинг бажарилиши учун тавсия этилган тезликлар чегарасига мос келадиган ўртача тезлигига ($V_{\text{и.ч}}$) мос ҳолда аниқланади.

$$P_{\text{ул}}^h = 0,36 \frac{N_{e.h} \eta_{mpak}}{V_{\text{и.ч}}}, \text{м.}$$

бу ерда: $N_{e.h}$ - трактор двигателининг номинал қуввати, кВт (илова);

η_{mpak} - тракторнинг фойдали иш коэффициенти, филдиракли тракторлар учун $\eta_{mpak} = 0,65-0,70$;

$V_{\text{и.ч}}$ - агрегатнинг ишчи тезлиги, км/соат (илова).

Топшириқ (вариант _____)

Ишлаб чиқариш жараёнининг номи _____

Агрегат таркиби: Трактор русуми _____

Машинанинг русуми _____

Агрегатнинг иш тезлиги _____ км/соат.

4-жадвал

Вариант	Ташиладиган юкнинг номи	Агрегат таркиби		Агрегатнинг тезлиги
		Трактор	тиркама	
1	Зичланган пахта	ТТ3-80.10	2ПТС-4-793	15
2	Минерал ўғит	ТТ3-80.10	2ПТС-4-793	25
3	Буғдой дони	ТТ3-80.10	2ПТС-4-793	20
4	Зичланган пичан	ТТ3-80.10	2ПТС-4-793	15
5	Зичланмаган пахта	ТТ3-80.10	2ПТС-4-793	20

Ишнинг бажариш тартиби

1. Тингловчилар гурухларга бўлиниб, ҳар бир гурух учун алоҳида варианлар (4-жадвал) бўйича ишни бажариш топширилади.

2. Машғулот давомида тингловчилар томонидан берилган топшириққа асосан юк ташиш агрегатининг назарий ва ҳақиқий иш унумлари миқдорларини юқорида күрсатилған формулаларга асосан аниқлаб чиқылади.

3. Гурухлар томонидан ҳисоблаб чиқылған күрсатгичлар улар ўртасида ўзаро муҳокама қилиниб, топшириқларнинг бажарилишида аниқланған миқдорларнинг фарқыга таъсир этувчи омилларни тахлил қилиш ва хulosса бериш тартибини ўрганиш бўйича кўникмалар ҳосил қиласидар.

Иш бўйича ҳисоботда:

Ишнинг мақсади, керакли жиҳозлар, берилган топшириқлар, ишнинг бажариш тартиби ва олинган маълумотларга асосан агрегат иш унумининг турли миқдорларини тахлил қилиб, уларнинг бир-биридан ўзаро фарқлари ва улардан фойдаланиш бўйича хulosалар келтирилади.

Назорат саволлари:

1. Транспорт агрегати иш унумини аниқлашнинг ўзига хос ҳусусиятларини айтинг;
2. Юк ташиш тиркамаси ташиладиган юкларни қайси күрсатгичига қараб танланади?
3. Юк ташиш воситаси ғилдиракларининг думаланиш коэффициенти қандай омилларга боғлиқ?
4. Агрегатнинг юк кўтариш қобилятидан фойдаланиш коэффициентига таъсир этувчи асосий омилларни айтинг;
5. Юк ташиш циклидан фойдаланиш коэффициентини қандай ошириш мумкин.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Тошболтаев М. “Машина-трактор агрегатлари иш унумини оширишнинг назарий ва амалий принциплари” Т., “Spectrum Media Group”, 2015. – 87 б. (монография).
2. Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўқув қўлланма)

ИЛОВАЛАР

1-илова

Қишлоқ хұжалиги машиналарининг асосий фойдаланиш күрсатгичлари

T/ p	Тавсия етиладиган тракторлар руsumи	Қишлоқ хұжалиги машиналари тури ва русумлари	Қамраш кенг-лиги (Bm),м	Кине- матик узун- лиги (Lm),м	Масс аси (Gm) кН	Конс- трук- тив кенг- лиги (dk),м	Нисбий қарши- лиги Кп (kН/m ²), Km (kН/m)				
1											
1	BT-100, T-4A, TS-130, MX- 135, MXM-140, Axsoc-340C	ПДН-3-30 (осма, ярс.3к)	0,9	3,0	10,8	2,2 2,5 1,85 1,65	Тупроғи енгил:21- 35, оғир:36- 55, жуда оғир 56-90 kН/m ²				
		ПДО-4-45(осма, яр.4к)	1,8	3,24	12,0						
		ПЯ-3-35(тиркама яр.3к)	1,05	2,65	7,1						
		14P-2/3-45 (осма, 3 к.)	1,35	3,6	10,2						
2											
2	BT-150, BT- 100, T-4A, TS- 130, MXM-140, K-701, XT3181, Магнум 7240, Арион 640С, MX- 240,250 AXION- 850	О'РZ-3/4-45 (осма, 4 к.)	1,8	3,3	10,0	2,24 1,88	Тупроғи енгил – 21-35, оғир – 36- 55, жуда оғир 56-90 kН/m ²				
		О'Р-3/4-40 (осма, 4 к)	1,60	4,0	11,5						
		ПРУН-5(4) (осма, 5к.)	2.10	5,2	10,8	2,35 2,61 2,45					
		ПНЯ-4+1-45 (осма, 5к)	2,15	5,52	15,9						
		EurOpal 9 (осма,айл.5 k)	2,0	5,95	15.1						
3											
Тишли тирмалар билан тирмалаш											
3	TT3-80.10, MT3- 80,82, BT-100, T-4A	БЗСС-1,0(24та,2қатор)	0,93	1,35	0,35	11.7	0,3-0,6				
		3БТУ-1,0(24та,2қатор)	0,93	1,35	0,38	11.7	0,4-0,7				
4											
Далани дисклаш											
4	MT3-80,82, BT-100, T-4A	ТДБ-3/5(тиркама)	5,0	3,0	32,0	4.7	4,0-6,7				
5											
Минерал үғит солиши											
5	TT3-60.11 TT3- 80.11, MT3-80X	PMU-0,5 (осма)	12,0	1,0	3,0	1.64	0,3-0,6				
6											
Органик үғит сепиши											
6	TT3-80.10, MT3- 80,82	РТП-5-ОУ (ярим тиркама)	3,6	6,6	23,0	2.1	1,2-1,4				
7											
Бошоқли ва дуккакли донлар экиш											
7	TT3-60, 80.10, MT3-80,82	ДЭМ-3,6, СЗТ-3,6	3,6	1,8	8,5	3.77	1,0-1,4				
8											
Маккажүхори экиш											
8	TT3-60.11 TT3- 80.11, MT3-80X	СХМ-4 (осма, пнев.)	2,8	2,17	6,5	3.7	1,2-1,4				
9											
Чигит экиш											
9	TT3-60.11 TT3- 80.11, MT3-80X	СМХ-4 (осма, пнев.)	2.4; 3,6	2,17	6,5	3.1- 4.	1,2-1,4				
		СЧХ-4Б (осма, мех.)	2.4; 3,6	1,63	5,1						
		MX-135, MXM- 140, TS-6070	Кейс-1200 (8 қаторли)	7,2	2,38	20,1	3 2.8- 3.7 8.2	1,3-1,5			
10											
Fўза қатор орасига ишлов бериш											
10	TT3-80.11, MT3- 80X	КХМ-4A(ўрнатма)	3,6	5.6	16,0	3.96	3,1-3,2				
		КХҮ-4A(ўрнатма)	2,4	5.6	16,0	4.4	3,0-3,1				

11	Маккажүхорини култивация қилиш						
	ТТЗ-60.11 ТТЗ-80.11, МТЗ-80Х	КХМ-4А(ўрнатма)	2,8	5.6	16,0	4.4	3,2-3,3
12	Пахтани машинада териш						
12	ТТЗ-80.11, МТЗ-80Х	Кейс-2022(ўрнатма, г/ш)	1.8	7.46	106,8	4.1	1,3-1,7
		ДжонДир 7260 (тиркама, г/ш)	1,8	11,0	47,0	4.26	
		МХ-1,8(осма, в/ш)	1,8	7,68	78,0	3.8	1,45-1,5
13	Галлани ўриб-йиғиши						
13	Клаас	Доминатор-130	4,2	9,1	77,6	4.5	1,7-1,9
		Тукано-430	5,0	10,1	141,7	5.6	
	Кейс	Кейс-2388	6,0	10,6	124,0	7.2	
		ТС-5060	5,0	9,86	100,0	6.2	
		КПК-2,4М (тиркама)	2,4	2,1	7,0		
14	Чизеллаш						
	ВТ-100, Т-4А	ЧКУ-4А(тиркама)	4,0	5,5	17,6	4.5	4,0-8,0
15	Молалаш ва текислаш						
	МТЗ-80,82 ТТЗ-80.10, ВТ-100	П-2,8 (тиркама)	2,8	1,7	4,4	4.1	1,5-2,0
16	Чанглатиш-пуркаш						
16	ТТЗ-60.11, ТТЗ-80.11, МТЗ-80Х	ОВХ-600 (ўрнатма)	30	5,9	5,0	3.6	0,2-0,3
		ОВП-1200(тиркама)	40	4,0	10,0	3.2	
		ОПШХ-12/15 (осма)	12	6,5	7,75	13.5	
		VP-1 (осма)	13	5,3	3,45	14.2	
		ОШУ-150 (тиркама)	40	1,0	1,5	2.4	
17	Ерларни чукур юмшатиш						
	Магнум, ВТ-150, Арион 640С	ГНУ-1М (осма)	1,85	1,5	6,3	2.5	8,0-13,0
18	Эгат олиш						
	ТТЗ-60.11, ТТЗ-80.11, МТЗ-80Х	ГХ-4 (осма)	2.4; 3,6	1.96	8.6	4.2	6,0-8,0

2-илова

Тавсия этилган агротехника тезликлари чегараси (V_n) ва агрегатларнинг смена вақтидан фойдаланиш коэффициентлари (τ)

T/ p	Иш тури	Харакат тезлиги (V_n), км/соат	Смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти (τ)		
			Даланинг узунлиги, м		
			≤ 150	500	1000 ≤
1	2	3	4	5	6
1	Оддий 3-4 корпусли плуглар билан ер ҳайдаш	7-8	0.64	0.80	0.86
2	Тезкор 5-6 корпусли плуглар билан ер ҳайдаш	8-12	0.51	0.84	0.86
3	Тишли тирмалар билан тирмалаш	8-13	0.67	0.81	0.89
4	Далани ёппа култивация қилиш, дисклаш	5-11	0.68	0.72	0.77
5	Фалтакмола бостириш	6-15	0.67	0.66	0.80
6	Минерал ўғит солиши: ўғит сеялкалари билан	6-12	0.41	0.50	0.55
	ўғит сочгичлар билан	10-13	0.49	0.53	0.62
7	Органик ўғит сепиши	6-10	0.26	0.29	0.31
8	Суюқ органик ўғитларни сепиши	4-8	0.51	0.62	0.65
9	Дон ва дуккакли донлар экиши	7-14	0.62	0.65	0.71
10	Маккажүхори ва кунгабоқарни экиши	4.5-12	0.62	0.66	0.69
11	Картошка экиши	4-10	0.45	0.48	0.51

12	Күчатлар экиш	0.6-3.5	0.48	0.51	0.56
13	Чигит экиш (оддий сеялкаларда)	6-8	0.54	0.57	0.58
	Чигит экиш (пневматик ва кенг қамровли)	6-8	0.41	0.52	0.71
14	Fўза қатор орасига ишлов бериш:				
	биринчи	4-6	0.67	0.72	0.76
	навбатдаги	8-9	0.67	0.72	0.75
	охирги	4-6	0.67	0.72	0.76
15	Маккажўхорини култивация қилиш	6-12	0.56	0.60	0.63
16	Картошкани култивация қилиш	5-7	0.57	0.60	0.62
17	Пичан ўриш	6-12	0.76	0.82	0.84
18	Ўтни кўк ем учун ўриш	6-8	0.71	0.75	0.78
19	Пахтани машинада териш	4-5	0.59	0.63	0.65
20	Фаллани ўриб-йигиш	6-7	0.61	0.68	0.71
21	Маккажўхори ўриш: силосга	5-12	0.51	0.56	0.60
	дон учун	4-10	0.46	0.50	0.58
22	Картошка йигиш: комбайн билан	1-5	0.32	0.36	0.42
	кавлагичлар билан	2-8	0.42	0.46	0.53
23	Чизеллаш	6-10	0.51	0.58	0.62
24	Молалаш ва текислаш	4-7	0.69	0.72	0.74
25	Чанглатиш-пуркаш (штангали пуркагичлар)	5-6	0.36	0.42	0.46
	Чанглатиш-пуркаш(вентиляторли пуркагичлар)	6-7	0.68	0.72	0.77
26	Fўзапоя юлиш-уюмлаш	3.5-6	0.76	0.82	0.85
27	Ариқ қазиш ва текислаш	4.3-7	0.69	0.71	0.77
28	Эгат олиш	6-8	0.66	0.72	0.78

3-илова

Тракторлар ва ўзиорар машиналарнинг асосий фойдаланиш кўрсатгичлари

T/p	Тракторлар ва ўзиорар машиналар русуми	Кўрсатгичлар				
		Номинал куввати (Nен), кВТ	Массаси (G), кН	Базаси (Lm), м	Кинематик узунлиги (Lk), м	Бурилиш радиуси (Rt), м
1	AXION-850	195	90	3.72	2.95	5.19
1	MX-240,250	181	138	3.51	2.71	5.62
2	Магнум7240	167	124	3.12	2.32	5.23
3	Арион 630С	114	58	2.82	2.23	4.80
4	K-701,744Р1	220	149	3.05	2.43	4.86
5	ХТЗ-181	132	95	2.31	2.35	2.35
6	ВТ-150Д	110	82	1.86	2.24	3.20
7	TS-130	96	56	2.73	2.35	4.51
8	Aхсос 340С	75	42	2.49	2.23	4.40
9	МХМ-140	110	54	2.71	2.40	4.56
10	MX-135	100	57	2.50	2.36	4.42
11	T-401,Т-4А	96	81	2.41	1.95	2.40
12	ВТ-100Д	96	81	2.33	2.21	3.11
13	МТЗ-82	59	34	2.45	1.97	4.90
14	МТЗ-80	59	32	2.37	1.97	4.90
15	МТЗ-80Х	59	36	2.30	1.97	2.51
16	ТТЗ-80.10	60	39	2.26	2.17	3.80
17	ТТЗ-80.11	60	31	2.26	2.03	2.62
18	ТТЗ-60.10	44	29	2.17	2.10	3.73
19	ТТЗ-60.11	44	28	2.17	2.15	2.51
20	Кейс-2022 (ўрнатма, г/ш)	118	107	4.2	2.11	6.30

21	ДжонДир7260(тиркама,г/ш)	60	47	7.56	4.31	6.31
22	MX-1,8 (осма, в/ш)	60	78	3.87	3.40	7.90
23	Доминатор-130	104	73	3.47	4.26	6.52
24	Тукано-430	177	142	3.86	5.01	7.41
25	Кейс-2388	210	124	4.1	6.03	8.43
26	TC-5060	128	100	3.43	5.01	7.14

4-илова

Универсал тиркагичларнинг қисқача техник таснифлари

Т/р	Кўрсатгичлар	Тиркагичлар русуми				
		СП-16	СП-11	СП-15	СГ-21	С-11У
1	Қамраш кенглиги, м	13,5	7,0	8,0	21,0	11,0
2	Ишчи тезлиги, км/соат	10-13	15	10	15	10
3	Умумий массаси, кН	18,0	8,4	12,5	16,0	7,8
4	Нисбий оғирлик кучи, кН/м	1,1	0,77	1,4	0,77	0,68
5	Қаршилик кучи, кН:					
	Ангизда	1,2-1,8	0,6-0,8	0,9-1,2	1,4-1,7	0,7-0,9
	янги ҳайдалган ер	3,0-4,5	1,5-2,1	2,1-3,1	3,6-4,2	1,7-2,0
6	Кинематик узунлиги, м	6,0	6,6	5,0	7,9	6,9

5-илова

Кишлоқ хўжалиги машиналарининг механизмини харакатлантиришга сарфланадиган қувват

Т/р	Иш тури	Русуми	Кувват сарфи, кВт
1	Минерал ўғит солиш:	РМУ-0,5	18,0-20,0
2	Органик ўғит сепиш	РОУ-5	33,0-35,0
3	Пичан ўриш	КОС-2,1	3,7-4,0
		КРС-2,1,КПК-2,4	16,0-20,0
4	Ўтни кўк ем учун ўриш	КИР-1,5	22,0-24,5
5	Пахтани машинада териш	MX-1,8	24,0-25,6
		Джон Дир	26,7-28,0
6	Фаллани ўриб-йигиш	Кейс, Клаас	38,2-46,5
7	Маккажўхорини силосга ўриш	ККУ-2, КПК-2	12,0-15,0
8	Картошка экиш	КС-2, КС-4	5,0-8,0
9	Картошка йифиш	КН-2	11,0-12,0
10	Чанглатиш-пуркаш	ОВХ-600 (ўрнатма) ОВП-1200(тиркама) ОПШХ-12/15 (осма) VP-1 (осма) ОШУ-150 (тиркама)	26,0-30,0 15,5-18,2 7,8-9,6 13,0-16,0 12,0-15,0
11	Ғўзапоя юлиш-уюмлаш	КВ-4Б КВ-3,6Б СИ-1,8	24,0-26,0 33,0-34,0 13,8-15,0

6-илова

Транспорт воситаларининг асосий кўрсатгичлари

т/р	Ишнинг Номи	Транспорт воситасининг кўрсатгичлари				Вақт сарфи, соат		
		трактор русуми	тиrkама русуми	юк кўта- риши, т.	Харакат тезли-ги, км/соат	ор- тиш	туши- риш	ку- тиш
					юксиз : юкли			
1	Маҳаллий ўғит ташиш ва ерга сошиб	РТП-5- ОУ МТЗ- 80,82 ТТЗ-60, 80,10	2ПТС- 4-793	4	20	15	0,3	0,3
2	Минерал ўғит Ташиш			4	30	25	0,3	0,5
3	Майдаланган кўк ўт ташиш			4	30	20	0,5	0,1
4	Силос учун майдаланган маккани ташиш			4	30	20	0,3	0,1
5	Кавланган картошкани ташиш			4	30	15	1,0	0,2
6	Машинада терилган пахтани ташиш			4	20	15	0,1	0,3
7	Дон ташиш			4	30	20	0,1	0,2

7-илова

Машина ва тиркамаларининг думаланиш қаршилиги коэффициентлари

Йўлларни асоси	Темир филдираклар учун	Пневматик шинали филдираклар учун
Зичланган дала йўли	0,06...0,08	0,03...0,05
Қуриқ яйлов, қўриқ	0,07...0,09	0,05...0,07
Қуриқ анғиз	0,13...0,15	0,08...0,10
Юмшоқ анғиз	0,18...0,20	0,12...0,14
Саёз ҳайдалган дала	0,16...0,18	0,10...0,12
Чуқур ҳайдалган дала	0,20...0,25	0,16...0,18
Тирмаланган дала	0,18...0,20	0,14...0,16
Экишга тайёрланган дала	0,15...0,18	0,12...0,14

8-илова

Трактор тиркамаларининг асосий техник кўрсатгичлари

Тиркамалар Номи	Русуми	Юк кўтариши, т	Бўш тиркама оғирлиги ,т	Юклагич сифими, м.куб
Икки ўқли	2ПТС-4М	4	1,88	5/13
Икки ўқли	2ПТС-4-793	4	1,65	4,4/12,7
Икки ўқли	2ПТС-6	6	1,98	4,6/10,8
Икки ўқли	2ПТС-9	9	4,44	8,5/17,4
Уч ўқли	3ПТС-13	12	5,98	11,6/23,5

Изоҳ; суратда- тиркама ҳажми; маҳражда-қўшимча сетка билан жиҳозланган тиркама ҳажми.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Мавзунинг номи; ”Тупроққа асосий ишлов бериш технологияси ва машиналари”.

Кейснинг мақсади: Тингловчиларга тупроққа ишлов беришда турли хилдаги агрегатлардан фойдаланишда тупроқнинг қайта зичланиши муаммолари, техникалардан мақсадли фойдаланиш, фермер хўжаликлари шароитига мос трактор ва плугларни танлаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича билим ва қўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.

Кутилаётган натижа: Мавзунинг мазмунини таҳлил қилинади, илмий ишланмалар, соҳага оид адабиётлар, ўқув қўлланмалар билан ишланади, кейсни мақсади аниқланади, асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини изланади ва уни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқилади. Муаммо ечими шакллантирилади ва асосланади, унинг ечими топилади. Топилган ечимлар юзасидан тавсиялар кўринишида тақдимот тайёрланади ва берилган тавсияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича матбуотга мақола ва ишланмалар берилади.

Мазкур кейс илмий-амалий муаммолар кўра яратилган вазият асосида ишлаб чиқилган.

Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаси қуйидагилардан иборат: Муаммога оил илмий-амалий ишланмалар, ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича маъёрий хужжатлар, услубий қўлланмалар ва бошқалар киради,

Мазкур кейс - асосий манбага кўра кабинет кўринишида тузилган сюжетсиз, илмий - амалий кўринишига эга бўлиб, топшириқларни алгоритмик кетма-кетликда бажаришга асосланади. Кейснинг обьекти кўп субъектли – фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги тизимидағи ташкилотлар ҳисобланади. Кейснинг ҳажми ўртacha бўлиб, вазиятни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида муаммонинг мақбул ечимини топишга қаратилган.

Дидактик мақсадига кўра кейс – муаммоли-ечимли характеристига эга. У муаммони ажратиш ва ечиш бўйича талабаларнинг малака ва қўникмасини шакллантиришга йўналтирилган. Талабаларда таҳлил этиш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида кейс муаммоси, топшириқлар, уларни бажариш йўллари ва зарур ахборот изчиллик билан баён этилган.

Кейснинг афзаликлариға қуидагилар киради: Ўқув дарсининг кейс – технология ўқитиш бўйича талабаларнинг ўзлари ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи босма ҳисбот ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи меъёрий кўрсатгичлар.

Мазкур кейсдан «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш” , “Қишлоқ хўжалиги техникаридан фойдаланиш” фанларининг “Механизациялаштирилган ишлар технологияси ва машиналари” қисмини ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Кириш

Долзарблиги. Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишда улардан юқори ҳосил олинишини таъминловчи тупроқнинг таркиби қуидагича, яъни унинг таркиби - ҳаво (25%), сув (25%) ва тупроқ зарраларидан (50%) ташкил топган бўлиши керак. Ушбу талабни амалга ошириш аввало ерга асосий ишлов бериш орқали эришилади. Бу нисбатларнинг ўзгариши бевосита тупроқнинг зичланишига олиб келиши натижасида экинлар ҳосилини кескин камайиши табиий ҳолдир.

Шу билан бирга тупроққа асосий ишлов беришдан мақсад - тупроққа кўпроқ сувни сингиб кетишини яхшилаш, ўсимлик илдизи ривожланадиган қатламда кўплаб сув тўпланиши ва намликни узоқ муддат сақланишини таъминлаш ҳамда илдиз системасини кучли ривожланиши учун шароитяратиш, минерал ва маҳаллий ўғитларни тупроққа аралаштириш, бундан ташқари, бегона ўт қолдиқлари ва зааркунандаларни йўқотишдан иборат.

Аммо ҳозирги кунда тупроққа асосий ишлов беришда фермер хўжаликларини тупроқ иқлим шароитини ва унга мос бўлган ҳайдов агрегатларидан фойдаланилмаётганлиги натижасида экинлар ҳосилдорлиги пасайиб кетмоқда.

Худди шундай ҳайдов агрегатларидан мақсадли фойдаланмаслиги . масалан шамол ва сув эрозиясига учрайдиган майдонларда тупроқни маҳсус плуглар билан ағдармасдан ишлов бериш ўрнига тупроқ қатламини ағдариб ҳайдайдиган плугларни қўлланиши ҳам ҳайдов сифатини пасайишига олиб келмоқда.

Ерларни намлиги оби-тобига (намлиги 16-18%) келганда ҳайдаш ўрнига уни паст ёки юқори намликда ҳайдалиши оқибатида агрегатларнинг иш унумини пасайишига, натижасида, ёқилғи ва бошқа материаллар сарфини кўпайишига йўл қўйилмоқда.

Ушбу Кейс муаммоларини ечимини топиш жараёнида талабаларда қуидаги хусусиятларни ривожлантириш ва ўқув натижаларга эришиш мүмкин: мазкур мавзу бўйича билимни чуқурлаштириш; индивидуал ва гурӯҳларда муаммонинг ечимини таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш; муаммони ечишда жараённинг барча омилларини ҳисобга олган ҳолда бир неча мақбул ечимларни топиш малакасини шакллантиришдан иборат.

Кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун таълим олувчилар қуидаги билимларга эга бўлиши лозим:

- ўсимликшунослик фани бўйича билимга эга бўлиш;
- тупроқшуносликка оид билимларга эга бўлиш;
- мавзунинг асосий моҳиятини аниқлай билиш;
- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари ва фойдаланиладиган трактор ва машиналарининг вазифаси ва турларини билиш;
- қишлоқ хўжалиги машиналаридан мақсадли фойдаланишни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

Таълим олувчи амалга ошириши керак:

- мавзуни мустақил ўрганади;
- муаммоларни аниқлайди;
- фаразларни илгари суради;
- ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди;
- маълумотларни таққослайди, таҳлил қиласи ва умумлаштиради;
- маълумотларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқиб, мустақил қарор қабул қиласи;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, якуний хуроса чиқаради.

КЕЙС

“Тупроққа асосий ишлов бериш муаммоси”

Тупроққа асосий ишлов бериш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун бажариладиган ишлаб чиқариш жараёнларига сарфланадиган жами ёқилғи сарфининг 40 фоизи тупроққа асосий ишлов беришга сарфланади.

Савол:

Қандай қилиб тупроққа асосий ишлов беришда ёқилғи сарфини камайтириш мүмкін?

Фермер хўжаликлари шароитлари учун ҳайдов агрегатларини танлашда нималарга эътибор қаратилиши керак?

ТИНГЛОВЧИГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Кейс услугбий паспортининг мазкур компоненти қуидагиларни ўз ичига олади:

- кейсдаги муаммо ва кичик муаммолар ифодаси (агар кейс муаммони излаш ва ҳал этишга ўргатадиган кейслар тоифасига кирмайдиган бўлса);
- муаммо ечими алгоритми (ушбу элементнинг бўлишини ўқитувчи – кейсолог белгилайди);
- муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш варафи ёки муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишга доир йўриқнома;
- кейс билан индивидуал ва гурух бўлиб ишлашни баҳолаш мезонлари ва кўрсатичлари;
- ўқув-услубий материаллар: ҳисоб-китоблар қоидалари ва формулалари, услублар ва русумлар баёни ва бошқалар (кейсологнинг фикрига қараб).

**Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича таълим
олувчиларга услугбий кўрсатмалар**

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар.
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. Тупроққа ишлов бериш техникаларидан фойдаланишга тўсиқ бўлувчи барча омиллар ва уларнинг сабаблари ҳақидаги ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиши пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг. Ушбу вазиятдан хозирги Ўзбекистонда ҳайдов

		агрегатларидан фойдаланишни яхшилан учун нима ишларни амалга ошириш кераклигини аникланг.
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш		<p>Асосий ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг.</p> <p><i>Асосий муаммо:</i> Қандай қилиб тупроққа асосий ишлов беришда ёқилғи сарфини камайтириш мүмкін?</p>
4. Муаммоли вазиятни ечиш метод ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш		<p>Ушбу муаммонинг олдини олиш ҳаракатларини излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини түлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни күриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ варианtlардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални түлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг.</p>

“Муаммоли вазият” жадвалини түлдиринг

Муаммолар	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиши ҳаракатлари

Үқитувчи – кейсолог варианти

Кейс услугбий паспортининг ушбу компоненти қуидагиларни ўз ичига олади:

- Кейсдаги муаммо ва кичик муаммолар ифодаси (агар улар талабага услугбий күрсатмаларда тақдим этилмаган бўлса);
- Муаммо ечими (кичик муаммолар ёки вазифалар бўйича);

Мухокама учун саволларга жавоблар.

Кейсологнинг жавоб варианти

Муаммо: Қандай қилиб тупроққа асосий ишлов беришда ёқилғи сарфини камайтириш мүмкін? Фермер хўжа-ликлари шароитлари учун ҳайдов агрегатларини танлашда нималарга эътибор қаратилиши керак?

“Муаммоли вазият” таҳлили натижалари ва тавсиялар

Муаммоли вазият тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиши ҳаракатлари
<p>Қандай қилиб тупроққа асосий ишлов беришда ёқилғи сарфини камайтириш мүмкін?</p> <p>Фермер хўжа-ликлари шароитлари учун ҳайдов агрегатларини танлашда нималарга эътибор қаратилиши керак?</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Тупроққа ишлов бериш агрегатларидан мақсадли фойдаланмаслик. - Агрегатлардан самарали фойдаланишини баҳолай олмаслик. Агрегатларга сифатли технологик ва техник хизмати кўрсата олмаслик Фермер хўжалиги шароитига (тупроқ-иқлим, даланинг ўлчамлари) мос трактор ва плутлар олинмаганлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - Тракторлар ва плутларнинг турларини кўпайтириш - Техникаларга технологик ва техник сервис хизмати кўрсатиш марказларини кўпайтириш. <p>Ҳар бир фермер хўжалиги шароити учун алоҳида машиналар тизимини яратиш.</p>

Муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича амалий машғулотда ўқитиши технологияси

Таълим технологиясининг модели

<i>2 соат</i>	<i>Таълим олувчилар сони: 30 кишидан ошмаслиги лозим</i>
<i>Мавзу</i>	Тупроққа асосий ишлов бериш технологияси ва машиналари
<i>Амалий машғулот:</i> <i>Режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Кейс мазмунига кириш. 2. Таҳсил олувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц - сўров” ўтказиш. 3. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш. 4. “Кейс – стади”ни гурухларда ечиш. 5. Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш.

	6. Якуний хulosса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра таҳсил олувчилар фаолиятини баҳолаш
<i>Машигулотнинг мақсади:</i>	Бўлажак бакалаврларга тупроққа ишлов берища турли хилдаги агрегатларидан фойдаланишда тупроқнинг қайта зичланиши муаммолари, техникалардан мақсадли фойдаланиш, фермер хўжаликлари шароитига мос трактор ва плугларни танлаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш.
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> - кейс мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади; - “Фаллачиликни ривожлантириш муаммоси”га оид вазият билан таништиради; - муаммони ажратиб олишга ўргатади, таққослашга, таҳлил қилишга, умумлаштиришга кўмак беради; - муаммони ҳал этиш бўйича аниқ харакатлар кетма – кетлигини тушунтириб беради; -муаммоли вазифаларни ечишга шарт шароит яратади; - мантиқий хulosса чиқаришга кўмак беради 	<ul style="list-style-type: none"> - кейс мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради; - Қандай қилиб тупроққа асосий ишлов берища ёқилғи сарфини камайтириш мумкин? муаммосини ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма–кетлигини аниқлайди; - муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўлладайди; - муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади; -якуний хulosалар чиқаради.
<i>Ўқитиши методлари</i>	“Кейс – стади”, “Муаммоли вазият” услуби.
<i>Ўқитиши воситалари:</i>	Маркерлар, қофозлар, доска, бўр, органайзерлар
<i>Ўқитиши шакллари</i>	Жамоавий ва гурӯхларда ишлаш
<i>Ўқитиши шарт-шароити</i>	Гурӯхларда ишлашга мўлжалланган ўқув хонаси
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Муаммолар ечими, савол-жавоб, тақдимот

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш жараён-лари вақти	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Таълим оловчи
Тайёрлов босқичи	Мавзуни, вазият мазмунини аниқлайди, информацион таъминотга тайёргарлик кўради, “кейс-стади”ни расмийлаштиради, кейсни кўпайтириш муаммосини ҳал этади. Мустақил равишида тайёргарлик кўришни, тавсия этилган адабиётларни ўқиб ўрганишни тавсия этади	Тинглайдилар
I – босқич Мавзуга кириш (10 дақ)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади. 1.2. Мавзу бўйича таълим оловчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц – сўров ўтказади 1.3. “Кейс-стади” вазифаси, амалий машғулот:нинг иш тартиби ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради. Кейс мазмуни билан янада яқинроқ танишиб чиқишлари учун таълим оловчиларга материалларни тарқатиб чиқади	Тинглайдилар Саволларга жавоб билдиради Танишадилар
II-босқич. Асосий (60 дақ)	2.1. Кейсда бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, дикқатни кейс билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади. 2.2. Мустақил равишида уйда ўқиб келинган вазият таҳлилини ўтказишни таклиф қиласди 2.3. Таҳсил оловчиларни кичик гуруҳларга ажратади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни “Муаммоли вазият” услугидан фойдаланилган ҳолда тарқатади (илова) 2.4. Кичик гуруҳларда кейс билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини	Муҳокама қиласдилар Вазиятни таҳлил қиласдилар Гуруҳларга ажралади, ёзиб оладилар, топшириқлар устида ишлайдилар Фаол қатнашадилар

	муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гурухларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қиласди	
	2.5. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман-қоғозларга тушириб, ақдимотини ўтказишида ёрдам беради, изоҳ беради, Билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини дикқат билан тинглайди	Бажарилган ишнинг тақдимотини ўтказадилар баҳсмунозара юритадилар баҳолайдилар, хулосачиқарадилар
	2.6. Таълим олувчиларнинг тақдимотда кўрсатилган фикрларини умумлаштиради	Тинглайдилар
III-босқич Якуний (10 дақ)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Бугунги мавзуу долзарб эканлигига тўхталиб ўтади. Фаол таҳсил олувчиларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради.	Эшитадилар, аниқлайдилар
	3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор “Кейс-стади”нинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади	Тинглайдилар

Назорат саволлари

1. Кейс-стади таълим услуби сифатида қандай дидактик ўзига хос хусусиятларга эга?
2. Кейс-стадининг моҳиятли белгиларини ифодаланг.
3. Кейслар типологияси ҳақида тушунча беринг?
4. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишида кейс – стади методидан фойдаланишнинг афзалликлари нимада деб ўйлайсиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тошболтаев М. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари. Т., “Фан ва технология”, 2016. - 602 б.

VII. ГЛОССАРИЙ

Ўзбекча	Ўзбекча шархи	Инглизча шархи
Технология	Белгиланган сифатдаги маҳсулотни олиш учун амалга ошириладиган биологик, кимёвий, физик ва агротехник жараёнлар йиғиндиси.	The sum of biological, chemical, physical and agrotechnical processes carried out to obtain a product of the specified quality.
Технологик жараён	Меҳнат предметига йўналтирилган таъсирлар жамланмаси	A set of object-oriented effects
Ишлаб чиқариш жараёни	Талаб этилган сифатга жавоб берадиган маҳсулот олиш учун бажа-риладиган ишлар йиғиндиси	The sum of the work done to obtain a product that meets the required quality
Ишлаб чиқариш иши	Техника воситаларини ишлов бериш предметига таъсири.	Influence of technical means on a subject of processing.
Меҳнат унумдорлиги	Сарфланган меҳнат бирлигига тўғри келадиган маҳсулот микдори	The amount of product per unit of labor expended
Иш унуми	Вақт бирлиги ичида белгиланган сифатдаги бажарган иш микдори	The amount of work performed in a defined quality per unit of time
Иш тезлиги	Иш вақти бирлигига босиб ўтилган масофа	Distance traveled per unit of operating time
Қамраш кенглиги	Бир ўтишда бажарилган иш майдони кенглиги	The width of the work area performed in one pass
Ўтказувчан-лик қобиляти	Вақт бирлиги давомида ишлов бериладиган бирламчи материал микдори	The amount of primary material processed per unit time
Агротехник талаблар	Бажариладиган ишнинг сифат кўрсатгичлари	Quality indicators of work performed
Шатаксираш	Ишлов бериш предмети ва воситасини ўзаро сирпаниши	Slip between the subject and the tool to be machined
Йўл тирқиши	Энергия воситасининг энг пастки нуқтасидан ер юзасигача бўлган масофа	The distance from the lowest point of the power vehicle to the ground surface
Агротехника тирқиши	Энергия воситасининг ўсимлик ўсив турган жойидаги энг пастки нуқтасидан ер юзасигача бўлган масофа	The distance of the energy medium from the lowest point where the plant grows to the surface
Солиштирма қаршилик	Ишлов берилаётган материалнинг бир бирлик қамраш кенглигидаги қаршилиги	The resistance of the material being machined per unit coverage width
Техник сервис	Техникани ишга яроқлигини тадбирлари жамланмаси	A set of measures to ensure the serviceability of equipment
Техниковий ташхис	Техниканинг холатини аниқлаш тадбирлари жамланмаси	A set of measures to determine the condition of equipment
Техник самарадорлик	Техникадан фойдаланиш даражаси	Level of use of equipment

Эргономик күрсатгычлар	Операторга иш шароитини яратыш күрсатгычлари	Indicators of creating working conditions for the operator
Машинани бошқариш	Операторнинг иш фаолиятини яхши-лаш ва унумдорлигини ошириш-даги тизимлар жамланмаси	A set of systems for improving operator performance and productivity
Аниқ дәхқончилик	Жараёнлар ва воситаларнинг ҳолатини аник билиш ва уларни олдиндан мос холда мониторинг ва назорат қилиш	Accurate knowledge of the status of processes and tools and their proper monitoring and control in advance
Масофадан туриб бошқариш	Жараёнлар ва воситаларнинг бажариш сифатлари ва техник ҳолатини узокдан туриб бошқариш	Remote control of performance and technical condition of processes and tools

VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Махсус адабиётлар

1. Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўқув қўлланма)
- 2.Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.
- 3.Зангиев А.А. и др. “Эксплуатация машинно-тракторного парка” – М. “Колос”, 2004. – 320 с. (учебник)
- 4.Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.
- 5.S.C.Panda.“Post Harvest Technology and FarmMtchanization”.India, 2013
- 6..Тошболтаев М. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари”. Т., “Фан ва технология”, 2016. - 602 б.
- 7.. Тошболтаев М. Ва бошқалар. Пахтачилик ва ғаллачилик машиналарини ростлаш ва самарали ишлатиш. Т.: Фан, 2012.-2006.
- 8.. Модельный ряд техники ЛЕМКЕН. LEMKEN GmbH &CO.KG Weseler StraBe 5 46519 Fipen www. Iemken.com. 2008. 80бет.

Интернет ресурслари

1. <http://www.amazon.ru>;
2. <http://www.ziyonet.uz>;
- 3 www.agri-tech.ru;
4. www.tdagromarket.ru;
5. www.raise.ru;
6. WWW.DIT.centr.uz
7. www.tiiame.uz

ТИҚХММИ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармок Маркази “Кишлоқ ва сув хўжалигида теъник сервис” йўналиши учун доцент С.Аликулов томонидан “Машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари” модули бўйича тайёрланган

Ўқув – услугий мажмуага

ТАҚРИЗ

Техникалардан фойдаланишда аввало уларнинг фойдаланиш кўрсаттичларини яхшилаш хисобига иш унумини оширишнинг энг замонавий усувлардан фойдаланиш ҳамда бажариладиган ишларнинг ташкил этишнинг янги тартиб ва коидаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши талаб этилади.

Чет эллардан келтирилаётган ва мамлакатимизда ҳорижий фирмалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган кишлоқ хўжалик техникаларини замонавий борт компютерлари, бевосита ва масофадан туриб бошқариш тизимлари билан таъминланганлиги ҳамда операторларга замонавий талаблар даражадаги шароитлар яратилганлиги, улардан самарали фойдаланиш ишларини юкори савияда олиб бориш ва бу ишларни амалга ошириш учун юкори малакали мутахассислар тайёрлаш талаб этилади.

Тақризга тақдим қилинган “Кишлоқ ва сув хўжалигида теъник сервис” йўналиши учун “Машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари” модули бўйича тайёрланган Ўқув – услугий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим мутахассисларининг раҳбар ва педагог кадарларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-4732 сонли фармонида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида кўрсатилган устивор йўналишлар мазмунидан келиб чиккан ҳолда тузилган бўлиб, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими вазифалари мазмунини замонавийлаш, такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компитентлигини доимий ошириб боришга қаратилган.

Ўқув-услубий мажмуа ва унинг ўқув режаси замонавий маълумотлар билан тўлдирилган ва малака ошириш курсларида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга мўлжалланган илғор педагогик технологияларни самарали қўлланишига имкон беради. Мажмуа белгиланган талаб ва коидаларга тўлик жавоб беради. Ундаги киритилган мавзуулар хозирги кундаги қишлоқ хўжалигида машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

Юқоридаги фикрларни инобатта олган ҳолда Ўқув – услугий мажмуа мазмун ва сифат жиҳатидан белгиланган талабларга жавоб беришини инобатга олиб, уни тасдиқлашга тавсия қиласман.

ТИҚХММИ
Кишлоқ хўжалик машиналари
кафедраси доценти, т.ғ.н. 
А. Дўсқулов